АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ва ҚОНУН

2002 йил 18 ИЮН сешанба № 24 (280) Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

Qonun va biz

САЛМОҚЛИ ҚАДАМ

Мамлакатимиз қонунчилигида **"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"**ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳамда унинг амалий ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатлар катта аҳамият касб этмоқда. Бир сўз билан айтганда, мазкур қонун суд-қонунчилик тизимини ягона тизим сифатида шакллантириш ва ислоҳ қилиш соҳасида ташланган салмоқли қадамлардан бири десак, асло муболаға бўлмайди.

Ушбу йилнинг биринчи чораги охирига келиб, вилоятимизда ваколатли органларнинг ижроси таъминлаб берилган ҳужжатлари салмоғи ошиб, жами 77 фоизни ташкил қилди. Гарчи ижро муддати 2 ойдан кўпроқ муддатга чўзилган ҳужжатлар салмоғи бўйича анча паст кўрсаткичлар қайд этилаётган бўлсада, бу борадаги ишлар ҳажмини камайтиришда сезиларли ижобий натижаларга эришиляпти. Таъкидлаш жоизки, қонунларимизнинг омма орасидаги нуфузи, ижро ҳаракатлари самарадорлиги бу соҳадаги саъй-ҳаракатларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу айни пайтда ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик жараён ҳам саналади. Зеро, қонун барқарорлиги ва уни ижро этиш механизми такомиллашган мамлакатнинг халқаро майдондаги мавқеи янада кучайиши турган гап.

Мазкур қонуннинг амалий тус олиши бошқа жабҳадаги ишларга ҳам самарали таъсир кўрсатиши табиий. Суд маҳкамаси ва унинг масъул ходимлари ўзларининг қимматли вақти ва имкониятини ваколатидан ташқари ижро юмушларига сарфлаш ташвишидан халос бўлди. Мазкур қонун афзаллигининг яна бир жиҳати шундаки, бу тизимнинг фаолият ва ҳаракат кўламини муайян меъёрга солувчи ҳужжат яратилгани диққатга сазовордир. Бундай қонун муқаддам мавжуд эмаслиги боис ижро ҳаракатлари эски Фуқаролик-процессуал Кодекси талабларига мувофиқ амалга ошириларди. Истиқлол шарофати билан суд-қонунчилик тизимини ислоҳ қилиш юзасидан олиб борилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатларга суд қонунчилик тизимида демократик талабларга тўла жавоб берадиган қонун қабул қилишни тақозо этарди. Бунинг вилоятимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Янги қонунда ижро ҳаракатлари самарадорлигини оширишга қаратилган тамойиллар анчагина. Шулардан ижро талабларини мажбурий тарзда амалга ошириш, бунга тўсқинлик қилиш ёки сабабсиз кечиктиришга қаратилган ҳатти-ҳаракатларга чек қўйиш борасида ваколатли орган ва унинг вакилига берилган ҳуқуқ ва имтиёзларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Илгари ижро этилмай қолган суд қарорлари юзасидан чора белгилаш бўйича бу тадбирни амалга оширувчи масъул ходим зарур ҳуқуқларга эга эмасди. Янги қонун талабларига мувофиқ суд ва бошқа органлар қарорларини ижро қилувчи ходим қонун талаблари бажарилишига монелик қилиш ҳоллари юзасидан айбдор ҳисобланган жисмоний ҳамда юридик шахсларни жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эга. Шу йилнинг биринчи ярмида суд ижрочиси томонидан белгиланган муддатларда ва уэрсиз сабабларга кўра мажбуриятларни бажармагани учун 8 нафар жисмоний ва юридик шахсларга 206 минг сўм миқдорида жарима солинди. Шунингдек, ижро ҳаракатларини юргизувчи ходимлар ҳуқуқларининг кенгайиши ва бошқа ваколатли идоралар қарорларининг сўзсиз бажарилиши ушбу қонуннинг амалий тус олиниши аниқ-равшан ифодалайди. Биргина жорий йилнинг ўзида суд ва бошқа тегишли идораларнинг қарорларига мувофиқ жавобгар жисмоний ва юридик шахслардан даъвогарлар ҳамда жабрланганларга салкам 153 миллион сўмлик жарима ундириб берилди. Бу эса кимларнингдир айби туфайли жабрланувчига айланган фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тикланиб, кишиларда қонунчиликка нисбатан ишонч ортиб бораётганига бир мисолдир. Суд қарорларининг 95 фоизини ижро этган Урганч шаҳри, 93 фоизни бажарган Янгиариқ тумани суд ижрочилари бўлинмалари бу соҳада бутун республикамиз бўйича энг яхши натижаларга эришаётганлигини алоҳида қайд этмоқ даркор. Ижро ҳаракатларини амалга оширишда вилоятимиз ҳам юқори натижаларга эришаяпти. Аммо бу соҳада Гурлан, Ҳазорасп ва Хива туманлари жиддий бурилиш ясай ололмаганини салбий баҳолаш керак. Шундай бўлса-да, вилоят бўйича ижрога киритилган 4803 та ҳужжатнинг 3705 таси аллақачон ўз рўёбини топди. Қолган салкам мингта ҳужжат бўйича ижро ҳаракатлари давом эттирилмоқда. Бу эса мамлакатимизда қонунлар устуворлиги тамойилининг ўзига хос ифодасидир.

Шу ўринда тизимнинг катта йўлдаги фаолияти эндигина бошланаётганини диққатдан қочирмаслик керак. Аммо унинг шаклланиш даври аллақачон ортда қолди. Эндиликда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида суд ижрочилари бўлинмалари фаолият кўрсатмоқда. Ҳозир барча мақомдаги судлар ва бошқа ваколатли идораларнинг қарорлари шу ишларга ихтисослаштирилган ягона маҳкама томонидан ижро этиляпти. Ишнинг бундай тартиби идораларо муносабатларни бирмунча соддалаштириш, енгиллатиш, фуқаролар мурожаатларини ҳаялламай қараб чиқишга хизмат қилаяпти. Бу омил шубҳасиз ижро ҳаракатларининг сезиларли даражада тезлашувига имкон яратаяпти. Шу билан бирга, шаклланув ва такомиллашув жараёнига хос бўлган айрим қийинчиликлар ҳам юзага келаяпти. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Негаки, янги тизимнинг равон йўлга чиқиши учун ҳамиша муайян муддат ва шароит талаб этилади. Шунингдек, ижро ҳаракатлари муддати чўзилиши ва бузилиши салбий ҳолатларни келтириб чиқаришини ҳам эсдан чиқармаслигимиз зарур. Чунончи, Шовот, Хонқа туманларида ҳар бир суд ижрочиси бир ойда 28-35 та қарорни ижро этаётган бўлса, бу рақам Урганч шаҳрида 98, Янгиариқ туманида 81, Қўшкўпир туманида 76 тани ташкил қилади. Вилоят бўйича эса ҳар бир суд ижрочиси ўртача 57 та шартли хизмат юмушларини адо этяапти. Айни пайтда Департаментнинг вилоят ҳудудий бўлими фаолияти учун Адлия Вазирлиги томонидан кўрсатилаётган ёрдам ва яратиб берилаётган моддий-молиявий имкониятларни янада унумли ва самарали ишлаш омили ҳисобланади.

Ижро тадбирлари самарадорлигини ошириш имкониятлари анча катта. Суд ва бошқа мутасадди маҳкамаларнинг ҳар бир мантиқий ва ишончли қарорлари сўзсиз ижро этилишини тақозо этади. Лекин айрим юридик ва жисмоний шахсларнинг номуносиб хатти-ҳаракатлари ижро йўлига муайян тўсиқлар яратаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бу эса суд ижрочилигини таъминлашда эски тузум иллатлардан бутунлай қутула олмаганимизни билдиради. Зеро, қонун устиворлиги жамият тараққиёти кафолатидир. Ўз эртаси, жамият истиқболини ўйлаганлар улуғвор ниятларга қонунларга бекаму кўст амал қилиш асосида эришадилар.

Баҳром ХЎЖАНИЁЗОВ,
Судлар Департаментининг
Хоразм вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи

Истиқлол йилларидаги бунёдкорлик

Тошкентда Марказий Осиёда барқарорликни мустаҳкамлашга бағишланган халқаро конференция бошланди.

* * *

Урганчда "Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини ривожлантиришга хорижий инвестицияларни жалб қилиш" мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

* * *

Пойтахтимиздаги "Шератон" меҳмонхонасида Марказий Осиёда экология ва саломатлик муаммоларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

* * *

Афғонистон олий йиғини — Лойя Жирга ўзининг янги асрдаги илк йиғилишида шу пайтгача мамлакат Муваққат ҳукуматига раҳбарлик қилиб келган Ҳамид Карзайни президент этиб сайлади.

* * *

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида "Тиббиёт ходимларини дипломдан кейинги тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муаммолари" мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

* * *

Наманган вилояти марказидаги гавжум гўшалардан бирида Конституция майдони барпо этилди.

* * *

Навоий вилоятида "Она ва бола" Давлат дастурининг ижросига бағишланган республика комиссиясининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.

* * *

Вазирлар Маҳкамаси Фармойишига мувофиқ, ниёдалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шу йилнинг 15 июнидан мамлакатимизда "Диққат! Пиёда!" ойлиги бошланди.

* * *

Пойтахтимиздаги замонавий санъат марказида "Беғубор болалик" танлови ўтказилди.

* * *

Нукусда Ўзбекистон Республикаси минтақаларига чет эл сармоясини жалб этишга бағишланган халқаро анжуман ўтказилди.

* * *

Урганчда уч юлдузли "Хоразм — Панж" меҳмонхонасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Tahlil ko`zgusi

ТАДБИРКОР ВА ТАРАҚҚИЁТ

Маълумки, истиқлол йилларида мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятига иқтисодиётимиз таянчи, фаровон ҳаёт манбаи деб қаралиб, унинг тараққиёти учун кенг кўламли шарт-шароитлар яратилаётганига ҳар биримиз гувоҳмиз.

Энг муҳими, бу соҳанинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш мақсадида қонунлар тизими яратилдики, бугун у ўз самарасини бермоқда.

Шу билан бирга ҳали бу борада ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Айниқса, жойларда тадбиркорлик ривожига сунъий тўсиқлар қўйиш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралаш каби ҳоллар учраб турибди. Албатта, бу ҳол кишини ташвишга солмай қўймайди.

Шу маънода Адлия вазирлиги ташаббуси билан мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари ривожланишининг ҳақиқий аҳволи ва мавжуд муаммоларни аниқлаш мақсадида тадбиркорлар ўртасида сўров ўтказилди. Бундан кўзланган мақсад — тадбиркорлик фаолияти йўлидаги тўсиқ ва муаммоларни бартараф этиш, бу соҳа ривожи учун ҳисса қўшишдир.

Шу муносабат билан таҳририят "Таҳлил кўзгуси" деб номланган янги рукн остида Адлия вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган сўров натижаларини мунтазам равишда чоп этиб боришни режалаштирди. Қуйида Наманган вилоятининг Косонсой туманида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар ўртасида ўтказилган сўров натижаларини эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

Аввало шуни айтиш керакки, мазкур сўровга тумандаги 146 нафар тадбиркор иштирок этди. Сўралганларнинг 15 нафари (10,3 %) якка тартибдаги тадбиркорлар, 33 (22,6%) фермер хўжаликлари, 10 нафари (6,8 %) микрофирма, 27 нафари (18,5 %) кичик корхоналар, 61 нафари (41,8 %) бошқа шаклдаги тадбиркорлик субъектлари аъзоларидир.

Сўровга жавоб берган тадбиркорларнинг 30 нафари (20,5 %) белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтмаган. Яна 30 нафар тадбиркор эса (20,5) 1 ой муддатда давлат рўйхатидан ўтказилган.

Сўров натижаларидан маълум бўлишича, тадбиркорлардан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ортиқча ҳужжатлар талаб қилинган. Жумладан, сўровда қатнашган тадбиркорларнинг 33 нафаридан (22,6%) кредит ажратишда, 47 нафаридан (32,2%) ер ажратишда, 35 нафаридан (44,5 %) лицензия олишда, 33 нафаридан (22,6) давлат рўйхатидан ўтишда, 37 нафаридан (25,3 %) ҳисобот қабул қилишда ортиқча ҳужжатлар талаб этилгани аён бўлди.

Маҳаллий давлат идоралари томонидан турли хил жамғарма ва тадбирларга тадбиркорларнинг маблағлари мажбурий равишда жалб этилган. Сўровда иштирок этган 78 нафар тадбиркорнинг (53,4%) пул маблағлари ўзларининг розилигисиз ишлатилган.

Бундан ташқари, сўров натижаларининг таҳлили тегишли идоралар-нинг тадбиркорлик субъектларидан ҳисоботларни қабул қилишда белгиланган муддатларга риоя қилмаётганликларини кўрсатмоқда. Жумладан, сўралганларнинг 42 нафари 2 кун, 33 нафари 3-5 кунлаб ҳисобот топшириш учун вақт сарфлашганини билдиришган.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш амалдаги қонун ҳужжатлари билан қатъий тартибга солинган бўлса-да, бироқ назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолияти ноқонуний равишда текширилган. Сўровда бундай текширишларнинг 38 нафари солиқ, 41 таси давлат санитария эпидемиология, 28 таси өнғинга қарши кураш идоралари томонидан ўтказилганлиги аниқланди.

Текширишлар бир йилда бир маротаба ўтказилиши белгилаб қўйилганига қарамай, айрим идоралар бу тартибга риоя этмаган. Масалан, сўралган тадбиркорларнинг 35 нафари бир йилда 2 марта, 36 нафари бир йилда 3-5 марта, 20 нафари 6-10 марта, 1 нафари 10 мартадан кўп текширув ўтказилганини маълум қилишди. Шунингдек, 34 та қолатда текширувчилар текшириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни тадбиркорларга таништириш учун тақдим этмаган.

Назорат қилувчи идора ходимларига **"Текширишларни рўйхатга олиш Китоби"** тўлдириш учун тақдим этилганда, 53 та ҳолатда улар текшириш ўтказмай қайтиб кетишган.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларнинг ўзлари томонидан бузилаётганлиги, айниқса, ачинарли ҳолдир. Масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан 63 ҳолатда жиноят иши қўзғатилмай туриб тадбиркорларнинг фаолияти текширилган. Шунингдек, сўровда иштирок этган тадбиркорларнинг 60 нафари тадбиркорлар фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идораларининг мансабдор шахслари томонидан хизмат ҳоналарига чақирилган.

Сўровда иштирок этган тадбиркорларнинг 52 нафари норасмий шахслар томонидан уларнинг фаолиятини тўхтатиш йўли билан қўрқитиш ёки бошқа шаклларда тазйиқ ўтказиш ҳолатлари борлигини айтишган.

59 нафар тадбиркор кредит олишда, 57 нафари ер ажратишда, 52 нафари солиқ идоралари текширганда, 23 нафари хусусийлаштириш жараёнида, 14 нафари давлат санитария идоралари текширганда, 17 нафари лицензия олишда, 38 нафари божхона расмийлаштирувида, 14 нафари қонунда белгиланган имтиёздан фойдаланишда, 10 нафари биноларни ижарага олишда, 5 нафари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар текширганда, 27 нафари ҳисобот топширишда, 13 нафари рўйхатдан ўтишда, 12 нафари бозорда савдо жойи олишда, 15 нафари архитектура органларидан қурилиш учун рухсатнома олишда, 31 нафари өнғин назорати идоралари текширганда, 6 нафари биноларни кадастр хизматидан рўйхатдан ўтказишда, 19 нафари электр тармоғига уланиш учун рухсатнома олишда, 24 нафари муҳр тайёрлаш учун рухсатнома олишда, 4 нафари ташқи иқтисоддий алоқалар вазирлигида шартномани рўйхатдан ўтказишда, 6 нафари бошқа юлларда таъмагирликка дуч келганлигини қайд этишган.

68 нафар тадбиркор банкдаги ўз маблағларидан эркин фойдалана олмаётганликларини, 47 нафари эса шартномага асосан тоширган маҳсулот (хизмат)лари учун ўз вақтида пул олишмаётганини билдирганлар.

"ИНСОН ва ҚОНУН"га ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Республика Бош Прокуратураси томонидан фуқаро М. Собировнинг турмуш ўртоғи Н. Матниёзовга нисбатан чиқарилган суд ҳукми ва фуқаролик иши бўйича чиқарилган ҳал қилув қароридан шикоят қилиб ёзган аризаси кўриб чиқилди.

Аниқланишича, жиноий ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг 2001 йил 4 апрелда чиқарган ҳукмига кўра, Наримон Матниёзов Жиноят Кодексининг 25-273-моддаси 5-қисми билан 1855,5 грамм "героин" гиёҳвандлик воситасини сотишга суиқасд қилганликда айбланиб, 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган ва мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилган.

Н. Матниёзовнинг айби ўзининг иқрорлик кўрсатмаларидан ташқари, мазкур иш бўйича судланган С. Жуманиёзов, У. Нурматов, Ф. Султоновлар, гувоҳлар Х. Отажонов, С.Назаров ва бошқаларнинг кўрсатмалари, далилий ашёни олиш баённомаси, суд кимёвий экспертизаси хулосаси ва ишда тўпланган бошқа далиллар билан тасдиқланган.

Суд томонидан Н. Матниёзовнинг ҳаракати тўғри малакаланиб, асосий жазо айбни енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олган ҳолда қонун доирасида белгиланган. Н. Матниёзовга нисбатан унинг мол-мулкини мусодара қилиш қўшимча жазоси ҳукм чиқарилган кунда амалда бўлган қонунга кўра тайинланган.

Фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судининг 2001 йил 18 декабрда чиқарган ҳал қилув қарори билан М. Собировнинг мол-мулкни рўйхатдан чиқариш ҳақидаги даъвоси қисман қаноатлантирилиб, Н. Матниёзовга тегишли бўлган "Нексия" русумли автомашина, 102 АҚШ доллари ва "Национал" русумли видеокамера рўйхатдан чиқарилган. М. Собировага видеокамерани қайтариб бериш, автомашина сотилгани учун унинг нархи — 2700000 сўм ва 102 АҚШ долларининг ўша пайтдаги расмий курси бўйича 69752 сўмни ундириб беришга қарор қилинган.

М. Собирова ўз аризасида автомашинани натура шаклида қайтаришни сўрагани учун Урганч шаҳар прокурорининг протестига асосан фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилояти суди кассация судлов ҳайъатининг 2002 йил 14 май кунидаги ажрими билан Фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судининг ҳал қилув қарори ўзгартирилди. Унга кўра, "Нексия" русумли автомашина М. Собировага натура шаклида қайтариб берилади.

А. СОЛИҲОВ,
Судларда жиноий ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси бошлиғи

* * *

Асака туманининг Г. Ёқубов номидаги жамоа хўжалигида яшовчи фуқаро К. Комиловнинг "Инсон ва қонун" таҳририятига туман ижтимоий таъминот бўлими ходимлари унинг ёшга доир пенсияси миқдорини нотўғри ҳисоблаганлиги тўғрисида ёзган аризаси туман прокуратураси томонидан текшириб чиқилди.

Аниқланишича, К. Комилов 1978 йилдан 1983 йилга қадар Асака тумани Г.Ёқубов номидаги жамоа хўжалигининг касаба уюшмаси раиси вазифасида ишлаб, 150 сўм миқдорида иш ҳақи олган.

Текшириш натижасига кўра, К.Комиловга 2002 йил 1 июлдан олаётган ёшга доир 9882 сўм 28 тийин пенсияси қайта ҳисоблаб чиқилиб, унга нисбатан 16 528 сўм 95 тийин пенсия тайинланди.

К. МАМАТОВ,
Андижон вилоят прокурорининг ўринбосари

САМАРҚАНД

Adliya tizimi

Вилоят адлия бошқармасининг Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб қувватлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўлими шу йилнинг ўтган май ва июн ойининг биринчи ўн кунлигида тадбиркорлар, оила пудратчилари манфаатларини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича судларга 60 та даъво аризаси киритди. Ана шу даъво аризалари туфайли жавобгарлардан тадбиркор ҳамда оила пудратчиларига 4 миллион 406 минг сўм меҳнат ҳақи, 250 минг сўм қарз, 1 миллион 303 минг сўм маънавий зарар, 5 миллион 625 минг сўм бой берилган фойда ундириб берилиши кўзда тутилган.

* * *

Вилоят хўжалик судига 6 миллион 199 минг 749 сўм асосий қарз, 2 миллион 394 минг 362 сўм устама ҳақни ундириш ҳақида 4та даъво аризаси киритилди.

Zamon savollari

ҚАРОР ТАСДИҚЛАНАДИ...(МИ?)

«Оққуш, чўртанбалиқ ва қисқичбақа ҳақида»ги масал ёдингизда бўлса керак. Кучлар муштарак бўлмаслиги оқибатида учовлон ҳар қанча ҳаракат қилмасин, юк ортилган арава бир қадам ҳам олдга жилмайди.

Сайхунобод туманидаги "Ўзбекистон" ширкатлар уюшмасида жойлашган "Бунёдкор" кичик корхонаси раҳбари Адилбой Абдуалимовнинг Сирдарё вилоят адлия бошқармасига ёзган аризаси билан танишар эканмиз, хаёлимизга дафъатан юқоридаги масал келди. Чунки икки йилдирки, тадбиркор, хўжалик раҳбари ва туман ҳокими ўртасидаги можаро давом этмоқда. Унинг тафсилоти қуйидагича:

— 1995 йилнинг феврал ойида туман ҳокимининг қарорига асосан "Бунёдкор" хусусий кичик корхонасини ташкил қилганман, — дейди Адилбой Абдуалимов. — Кичик корхонамиз асосан қурилиш ва хизмат кўрсатиш ишлари билан шуғулланади. Ўзим шу хўжаликда 30 йилдан буён турли вазифаларда ишлаб келяпман. Турмуш ўртоғим ва 3 нафар фарзандим ҳам шу хўжаликда ишлайди. Кичик корхонамиз ҳисобидан деҳқончилик билан шуғулланишга қарор қилдик ва хўжалик раҳбариятига экин майдони ажратиб беришни сўраб ариза ёздик. 2000 йилнинг 3 июн куни "Ўзбекистон" ширкатлар уюшмаси "Бунёдкор" кичик корхонаси учун хўжаликнинг 1-бўлимига қарашли 130-контурдаги 48.8 гектар майдоннинг 18.8 гектарини ажратиб бериш тўғрисида қарор чиқарди. Қарорни олгандан сўнг туман ер ресурслари хизмати бошлиғи Х. Барбаровнинг розилиги билан ерлар ўлчанди. Шундан сўнг туман фермер хўжаликлари ташкил этиш комиссиясининг хулосасини олдим. Барча ҳужжатларни туман ҳокимлигига топширдим. Ўша пайтда туман ҳокими С. Раҳмонқулов эди. Бу орада туман ҳокими лавозимига Р. Нормуродов сайланди.

2001 йилнинг 25 май куни туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошлиғи Р. Қосимов аризамга жавобан хат ёзиб, хўжаликдаги ер майдонлари оилавий пудрат ва фермер хўжаликларига бўлиб берилганлиги ва шартномалар тузилганлиги сабабли менинг аризам октябр ойида инобатга олинишини маълум қилди.

Мазкур масала юзасидан 2001 йил 30 ноябрда туман ҳокими Р. Нормуродов қабулига кирдим. У менинг ҳужжаларимни қайта кўриб чиқиш учун "Ўзбекистон" ширкатлар уюшмасининг янги раиси У. Исабоевга жўнатди. У. Исабоевга учрашганимда у менга ер ажратиб бермаслигини айтди.

Хуллас, хўжалик раҳбари билан туман ҳокимининг идорасига қатнайвериб бирор натижага эриша олмаган А. Абдуалимов вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Ҳужжатлар билан танишар эканмиз, туман ҳокими Р. Нормуродов ҳам, хўжалик раҳбари У. Исабоев ҳам ўзлари раҳбарлик қилаётган ҳудудда иш юритаётган тадбиркорга фаолият доирасини кенгайтиришда ёрдам бериш, уни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш ўрнига "Отангга бор, онангга бор" қабилида иш тутаётганликларига ишонч ҳосил қиласиз. Авваломбор, туман ҳокими Р. Нормуродов "Ўзбекистон" ширкатлар уюшмасининг фермер хўжалиги ташкил этиш тўғрисидаги қарорини қонунга биноан тасдиқлаб берганда, олам гулистон эди. Ахир, туманда 5-6 йилдан бир маромда узлуксиз фаолият кўрсатиб келаётган тадбиркор қанотини кенгроқ ёйишни истаса, уни қўллаб-қувватлаш ҳокимнинг биринчи галдаги вазифаси эмасми?!

(Давоми иккинчи бетда)

Zamon savollari

ҚАРОР ТАСДИҚЛАНАДИ...(МИ?)

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Энди "Ўзбекистон" ширкатлар уюшмаси раиси У. Исабоевнинг ишларидан бир шингил ҳикоя қилсак. У. Исабоев тайёрланган ҳужжатларнинг туман ҳокими томонидан асоссиз, қонунга зид равишда қайта кўриб чиқиш учун юборилганини билиб, 2001 йилнинг 16 ноябр куни 53-сонли қарор чиқаради ва хўжалик умумий йиғилишининг 2000 йил 3 июндаги 28-сонли қарорини бекор қилади.

Сирдарё вилоят адлия бошқармаси "Бунёдкор" хусусий кичик корхонаси раҳбари А. Абдуалимовнинг манфаатларини кўзлаб Сирдарё туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъво аризаси билан мурожаат қилди. 2002 йилнинг 28 март куни бўлиб ўтган очиқ суд мажлиси қарорига асосан Сайхунобод туман "Ўзбекистон" ширкатлар уюшмасининг 2001 йил 16 ноябрдаги 53-сонли умумий йиғилиш қарорининг даъвогар А. Абдуалимовга ер бериш тўғрисидаги ва шу қарорнинг 2-бандидаги ер ажратиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш қисми бекор қилинди ҳамда хўжаликнинг 2000 йил 3-июндаги А. Абдуалимовга 130-контурдаги 18.8 гектар ер ажратиш тўғрисидаги қарори Сайхунобод туман ҳокими томонидан тасдиқлансин деб белгиланди. "Ўзбекистон" ширкатлар уюшмаси раиси У. Исабоевдан А. Абдуалимов фойдасига етказилган моддий ва маънавий зарар қисман ундириладиган бўлди.

Ҳа, адолат қарор топибди-ку, дейишингиз мумкин. Қаёқда дейсиз. Баён этилган иш бўйича жавобгар — "Ўзбекистон" ширкатлар уюшмаси вакилларига ҳимоячи бўлган адвокат С. Абдусаматов вилоят фуқаролик ишлари бўйича судига апелляция шикояти билан мурожаат қилиб, Сирдарё туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг қарорини бекор қилишни сўради. Сирдарё вилоят фуқаролик ишлари бўйича аппеляция судлов ҳайъатининг 2002 йил 7 майдаги 2-33-сонли ажримга асосан жавобгар вакиллигига даъвогар бўлган ҳимоячи адвокат С. Абдусаматовнинг вакиллик ҳужжати ноқонуний бўлганлиги учун аппеляция шикояти кўрилмай қолдирилди.

"Ўзбекистон" ширкатлар уюшмаси ва туман ҳокимлигининг "муруввати" билан сарсон-саргардон бўлиб юрган, А. Абдуалимов билан "тақдирдош"-лардан яна бири Аширали Кушиевдир. А. Кушиев ҳам 2002 йил 1 февралда вилоят бошқармасига мурожаат қилиб, унинг аризасига асосан 2000 йил 3 июнда хўжаликнинг умумий йиғилиши ўтказилиб, фермер хўжалиги учун ер ажратиб бериш тўғрисида 26-сонли қарор чиқарилганлигини ва ушбу қарорни олиб тасдиқлаб беришни сўраб туман ҳокими Р. Нормуродовга мурожаат қилганлигини, ҳоким эса ҳужжатларини ширкатлар уюшмаси раиси У. Исабоевга йўллаганлигини, хўжаликнинг 2001 йил 17 апрелдаги 25-сонли қарори чиқарилган бўлса-да, туман ҳокими ҳанузгача тасдиқлаб бермаганлиги баён қилинганди. Адлия бошқармаси мазкур ариза бўйича ҳам Сирдарё туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъво аризаси билан мурожаат қилди.

2002 йилнинг 2 май куни бўлиб ўтган очиқ суд мажлиси қарорига асосан Сайхунобод туманидаги "Ўзбекистон" ширкатлар уюшмасининг Аширали Кушиевга хўжаликнинг 135-контуридаги 48.8 гектар майдонни фермер хўжалиги ташкил этиш учун ажратиш тўғрисидаги 2002 йил 3 июндаги 26-сонли ва 2001 йил 17 апрелдаги 5-сонли қарорлари Сайхунобод туман ҳокими томонидан тасдиқлансин деб белгиланди. "Ўзбекистон" ширкатлар уюшмаси раиси У. Исабоевдан А. Кушиев фойдасига етказилган моддий ва маънавий зарар қисман ундириладиган бўлди.

"Ҳолвани ҳоким ейди, калтакни етим ейди" деган нақл бор. Бу гапда ҳам жон бордир. Аммо тўғрисини тан олиб айтадиган бўлсак, баъзилар тасаввур қилганидай ҳокимнинг егани ҳамиша ҳолва, ичгани асал эмас. Чунки туман ёки шаҳар, вилоят ҳокими бўлиш — ниҳоятда масъулиятли, машаққатли вазифа. Шу ҳудуддаги одамларнинг тақдири, турмуш даражаси, кайфияти кўп жиҳатдан ҳокимнинг одилона иш тутишига, фуқароларга ғамхўрлигига боғлиқ. Баён этилган икки мисолнинг моҳиятига чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, туман ҳокимининг фуқароларнинг аризалари билан ишлашга қонун талаблари даражасида ёндашмаслиги оқибатида қанча асаббузарликлар, носоғлом муҳит юзага келганлигини кўрамиз. Бунинг устига вилоят адлия бошқармаси, туман ва вилоят суди ходимлари қанча вақт сарфлашди. Тўғри, бу уларнинг бевосита хизмат вазифалари. Аммо... Келинг яхшиси бу ҳақда ҳаммамиз ўйлаб кўрайлик.

Тоғаймурод ОРТИҚОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири
Зокир ОТАБОЕВ,
ҳуқуқшунос

Tabiat — yaxlit tizim

СУВ ҚАДРИ

Наманган гўзал табиати билан ҳар қандай кишини ўзига жалб этадиган масканлардан биридир. Бир тарафда Чоткол, Қурама тоғ тизмалари, Косонсой, Ғовасой, Чодаксой қўр тўкиб турибди. Бошқа тарафда эса кўз илғамас кенглик... Бепоён далалару, боғ-роғлар... Ана шу далалардаги кўм-кўк ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини беминнат суғораётган Норин, Қорадарё ва азим Сирдарё... Уларни номма-ном санашнинг ўзи кифоя қилмайди. Турмуш ташвишларидан холи бўлиб, бир кун бўлса-да, тоғ ёнбағридан тошдан-тошга урилиб оқаётган сой ёки сокин дарё бўйида бир марта дам олган киши вужудида тетиклик туяди. Нега гап айнан Наманган вилоятининг бетакрор табиати ҳақида бораяпти? Бу — бежиз эмас, албатта.

Мустақиликка эришганимиздан сўнг мамлакатимизда она-табиат, ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраб-авайлашга эътибор янада кучайди. Бу борада ҳукумат доирасида бир қатор қонун ва қарорлар қабул қилинди. Кейинги йилларда дарё ва сой ўзанларини сақлаш, унинг ён-атрофидаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини бойитиш йўлида вилоятда бир талай амалий ишлар бажарилди. Биргина Сирдарё сувини муҳофаза қилиш мақсадида 1290 гектар қирғоқолди минтақа ерлари ажратилиб, 2,2 миллион туп ўрмонбоп дарахт кўчатлари ўтказилди. Вилоятдаги мутасадди ташкилотлар томонидан 76 миллион 591 минг сўм миқдоридаги маблағ дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш, дамбаларнинг емирилиб кетиши, шунингдек, атрофдаги экин майдонларини сув босишининг олдини олишга сарфланди.

Маълумки, бу ҳудудда мамлакатимизнинг бошқа жойларига қараганда аҳоли зич яшайди. Шунинг учун ҳар бир қарич ер қадрли ҳисобланади. Шу боис бу ҳудудда айрим кишилар томонидан ноқонуний равишда сой этаклари, дарё қирғоқларидан ўзбошимчалик билан ўзларига томорқа ер ўзлаштириб олиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Сиртдан қараганда, бунинг ҳеч қандай зиёни йўқдек кўринади. Бироқ деҳқончилик қилаётган киши ўз экинига турли хил менерал ва маҳаллий ўғит солади. Бу эса ўзўзидан сой ёки дарё сувининг ифлосланишига олиб келади. Бу борада ҳам аниқ дастур ишлаб чиқилиб, дастур бўйича амалий ишлар қилинмоқда.

Сувнинг ҳаёт манбаи эканига барчамизнинг фаҳм-фаросатимиз етади. Ҳар бир киши ўз эҳтиёжи учун тоза сув бўлишини хоҳлайди. Бироқ эҳтиёжига сарфланган тоза сувни яна табиатга қайтаришга келганида эса... Минг афсуски, буни кўпчилик ҳатто ўйлаб ҳам кўрмайди. Ана шундай бепарволик оқибатида кейинги йилларда вилоятнинг деярли барча сув манбаларида оқаётган оби ҳаёт бир мунча ифлосланди.

Устига устак, кейинги йилларда вилоятдаги мавжуд саноат корхоналари ва аҳоли истеъмолидан чиқаётган оқава сувларнинг ҳажми ҳам кескин ортиб боряпти. Оқава сув тозалаш иншоотларининг эскирганлиги ёки таъмирга муҳтожлиги сабабли мавжуд канализация тармоқлари ва оқава сувни тозалаш иншоотларининг қуввати ва тозалаш самарадорлиги етарли бўлмаяпти. Айрим ҳолларда чиқинди сувларни белгиланган меъёрлар даражасида тозаламасдан очиқ сув ҳавзаларига ташлаш ёки ерга сингдириб юбориш ҳолатлари кузатилмоқда. Натижада Наманган шаҳри, Норин, Уйчи, Чуст, Тўрақўрғон, Мингбулоқ туманлари ҳудудларидаги очиқ сув ҳавзалари ҳамда ер ости сувларининг ифлосланиш хавфи юзага келмоқда. Мазкур туманларда сувни муҳофаза қилиш объектларининг қурилиши мутлақо бажарилмай келинаётир.

Вилоят капитал қурилиш бошқармасининг буюртмаси бўйича Чуст туманидаги оқава сув тозалаш иншоотининг қурилиши 1990 йилда бошланган эди. Аммо бу ердаги қурилиш ишлари 29,4 фоизга бажарилган, холос. Вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси коммунал объектлар дирекцияси буюртмачилигида 1998 йили Тўрақўрғонда худди шундай оқава сув тозалаш иншоотининг қурилиши бошланган. Бу ерда лойиҳа қийматининг 14 фоиз миқдоридаги капитал маблағ ўзлаштирилган. Наманган-Уйчи канализация коллектори қурилиши ҳам 1990 йилда бошланган бўлиб, ҳозирги кунгача бор-йўғи 28 фоиз иш бажарилди... Мингбулоқ, Норин тумани марказларидаги канализация тармоғи ва оқава сувни тозалаш иншооти ҳақида сўз юритишнинг ўзи ортиқча... Наманган шаҳри ва унинг 2-ташлама коллекторининг қурилиши 1995 йилда бошланган эди. Бироқ бу борадаги ишлар ҳам ярим йўлда қолиб кетди.

Сир эмас, ҳамма иш маблағ ва пулга бориб тақалади. Бироқ инсон саломатлиги ва унинг келажаги олдидаги қарздорлик ҳар қандай бойликдан ҳам юқори туришини унутмаслигимиз лозим. Она-табиат, атроф-муҳит мусаффолигига сарфланган маблағ инсон саломатлигини муҳофаза қилишга хизмат қилади. Бебаҳо сувнинг тозалигига қанчалик эришсак, шунчалик аҳоли ўртасида тарқалаётган юқумли касалликларнинг олдини олган бўламиз. Хуллас, табиатни нечоғлик эъзозласак, у албатта эртанги кунимиз учун асқотади.

Мадамин ҲОШИМХЎЖАЕВ,
Наманган вилояти

Tiklangan adolat

БАҲОНАГА ЎРИН ЙЎҚ

Жалолқудуқ туманидаги Бештол қишлоғида истиқомат қилувчи Қурбонали Усубжонов фермер хўжалиги ташкил этиш, юрт фаровонлигига ҳисса қўшиш мақсадида 1998 йил 3 гектар ер майдони олди. Бу ер "Қўштепа" ширкат хўжалиги аъзолари вакиллар йиғилишининг қарори асосида йигирма йил муддатга ижарага берилди. Бу қарор Бештол қишлоқ фуқаролар йиғини раисининг қарори билан тасдиқланди.

Ана шу қарорлар асосида ширкат хўжалиги раиси М. Бурҳонов, бош ҳосилот М. Мирзаев, бош иқтисодчи Б. Маматқулов, ер тузувчи муҳандис М. Ёқубовларнинг иштирокида 1998 йил 15 сентябр кунида далолатнома тузилиб, Қурбонали Усубжоновга сабзавотчиликка ихтисослашган деҳқон-фермер хўжалигини ташкил қилиш учун 3 гектар ер берилди. Мазкур ер майдони 7-бригаданинг ҳудудидаги 34-контурдан ажратилди. Ер участкасини фермерга ижарага бериш тўғрисида шартнома ҳам тузилди.

Аввалига барча иш рисоладагидек бир текис кетаётган эди. Фақат иш Жалолқудуқ туман ҳокимлигига келганда, кутилмаганда тўхтаб қолди. Ширкат хўжалиги қарори ҳамда шартномалар асосида туман ҳокимлиги фермер хўжалиги тузиш ҳақида қарор чиқариши лозим бўлса-да, бу масала негадир қатъиян рад этила бошланди.

Фермер иш нега бирдан тескари кетганига сира ақли етмай боши қотди. Туман ҳокимлиги унинг қонуний талабларини бажармай, фермер хўжалиги очиш йўл бермади.

— Бу масалани қонуний ва адолатли ҳал этиб, фермер хўжалигини туман ҳокимлигида рўйхатдан ўтказиб беришликни сўраб, ҳокимликка қатнайвериб илигим қуриди, — дейди афсус билан Қурбонали Усубжонов. — Охири иложим қолмагач, вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилдим.

Адлия бошқармаси қаноти қайрилган фермернинг манфаатларини ҳимоя қилиб, фуқаролик ишлари бўйича Хўжаобод туманлараро судига даъво аризаси киритди. Яқинда суд ишни кўриб чиқиб даъвони қаноатлантириш ҳақида қарор қабул қилди. Суд томонидан Жалолқудуқ тумани ҳокимлигига Қурбонали Усубжоновни фермер хўжалиги ташкил қилиш ҳақидаги низомини тегишли тартибда тасдиқлаш ва юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказиш мажбурияти юклатилди. Фермер хўжалиги давлат рўйхатидан ўтказилгач, унга тегишли ер майдонини ажратиб бериш "Қўштепа" ширкат хўжалиги бошқаруви раисига, унинг назорати эса Жалақудуқ туман ҳокимлигига юклатилди.

Суд фермернинг қанотини тиклади. Энди ҳеч қандай баҳонага ўрин йўқ. "Қўштепа" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси И. Убайдуллаев судда "Мен янги раисман, аввал бу вазифада бошқа одам ишлаган, менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ", деб важ кўрсатди.

Нима бўлганда ҳам энди суднинг қарорини бажариш, ижрони таъминлаш назоратда.

Демак, қарор қатъий, баҳонага ўрин йўқ.

Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Adliya tizimi

САМАРҚАНД

Ўтган муддатда тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқларини ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришга доир қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик хусусида туман ҳокимликлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари номига 9 та тақдимнома ва 7 та ёзма огоҳлантириш киритилди.

* * *

Биргина май ойида вилоятнинг шаҳар ва туман ФХДЁ бўлимлари томонидан 5 минг 412 та туғилганлик ҳолати қайд этилган. 862 та ёш оилага никоҳ гувоҳномалари берилди.

* * *

Вилоятда фаолият кўрсатаётган давлат нотариуслари томонидан ўтган ойда 10 минг 437 та нотариал ҳаракатлар амалга оширилган. Ана шу нотариал ҳаракатлардан 50 миллион 701 минг 713 сўм миқдорида давлат божи ундирилган. Бундан ташқари, 1 миллион 247 минг 419 сўмлик қўшимча ҳуқуқий хизмат кўрсатилган.

Shartnoma sharti

ЧАМАЛАНМАГАН ҚАРИЗ

Чуст туманидаги "Машъал" ширкат хўжалиги бошқарув раиси Баҳодир Файзиев билан хўжалик бош ҳисобчиси Солим Назиров амалдаги Меҳнат Кодексининг 201,208,269-моддаларига асосан моддий жавобгарликка тортилди. Улар ўртача иш ҳақлари миқдорида "Машъал" ширкат хўжалиги фойдасига жарима тўлашди.

И-й-е, буёғи қандоқ бўлди, дейсизми? Яна кимсан — хўжалик раҳбари ва бош ҳисобчи жарима тўлайдими?

Албатта, бундай савол-жавоблар бундан ўн-ўн беш йил аввал кишининг ухлаб тушига ҳам кирмас эди. Бугун эса давр ўзгарди — иш юритиш услуби ҳам, ҳаётнинг талаби ҳам бошқача. Хўш, хўжалик раиси ҳамда бош ҳисобчи қандай қилиб жарима тўлайдиган бўлиб қолди?

Асли воқеа бундай бўлган эди. Ўтган йилнинг 10 январ куни "Мададкор" чорвачилик хўжалиги билан "Машъал" ширкат хўжалиги ўртасида 824-сонли контрактация шартномаси имзоланади. Унга кўра, "Машъал" ширкат хўжалиги ҳар чоракда 1 тонна, жами 4 тонна тирик вазнда гўшт етказиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Халқимиз сув кўрмай, этик ечма, деб бежиз айтмаган. Аммо "Мададкор" чорвачилик хўжалигининг мутасадди раҳбарлари айнан шундай иш тутишди. Улар «хамир учидан патир» тарақасида «Машъал» ширкат хўжалиги ҳисоб рақамига 2001 йилнинг 29 декабрда 109-сонли тўлов топшириқномаси билан 1000000 сўм, 2002 йил 17 январда яна 5-сонли тўлов топшириқномаси билан 1000000 сўм пул ўтказиб беришади.

Чустликлар юқорида қайд этилган шартномага кўра, "Мададкор" чорвачилик хўжалигига сўзсиз гўшт топширишлари керак эди. Бироқ "Машъал" ширкат хўжалиги мутасадди раҳбарлари бундай қилишмади. Улар ўйламайнетмай хўжалик ҳисоб рақамига келиб тушган пулларни ўғит ва ем-хашак сотиб олишга сарфлаб юборишди. "Худонинг куни кўп, бир кун узармиз-да", деб кўл силтаб қўя қолишди. Шундан сўнг табиийки, кўп оворагарлик бўлиб ўтди. Лекин бирортаси ҳам натижа бермади. Охир-оқибатда вилоят "Мададкор" чорвачилик хўжалигининг мутасадди раҳбарлари "Машъал" ширкат хўжалигининг мутасадди раҳбарларини судга "меҳмон"га чақиришди.

Вилоят хўжалик суди раисининг ўринбосари Г. Аҳмедова раислигида бўлиб ўтган суд мажлиси икки тарафнинг фикр-мулоҳазаларини батафсил ўрганиб чиқди.

— Бир неча бор хўжаликка қатнаганлигимиз фойда бермади, — деди даъвогар вакили, — "Машъал" ширкат хўжалигининг фермасида қорамоллар бўла туриб, шартномани бажаришдан очиқ-ойдин бош тортишди. Шартноманинг 4.1 бандига асосан қорамол топширишдан бош тортганлик учун 25 фоиз, яъни 750000 сўм бизга жарима тўлашлари керак. Бундан ташқари, маҳсулотни етказиб бериш муддати кечиктирилганлиги учун 898000 сўм устама ва давлат божини судга тўлаб қўйишсин.

— Ҳақиқатдан ҳам, даъвогар билан гўшт ва гўшт маҳсулотлари етказиб бериш ҳақида контрактация шартномаси тузилган, — дейди жавобгар вакили С. Назиров. — Аммо шартномадаги бўнак пул ширкат хўжалиги ҳисоб рақамига фақатгина 2001 йилнинг декабр ва 2002 йилнинг январ ойларида келиб тушди. Бу пулларга ўғит ва ем-хашак сотиб олдик. Чунки сотилиши керак бўлган қорамоллар ориқ эди. Ҳозир қорамолларни гўштга топшириб юборсак, уларнинг бош сонига жиддий зиён келтирамиз. Хўжалик ҳисоб-рақамига барча маблағлар мақсадли транш орқали келиб тушади. Шундай бўлса-да, асосий қарзни тез кунларда тўлаймиз.

Суд Фуқаролик Кодексининг 465-467 моддаларига асосан даъвони қаноатлантириш ва даъвогар фойдасига 2000000 сўм асосий қарзни ундиришни лозим деб топди. Шунингдек, даъвогарнинг жарима ундириш талабини ҳам эътироф этди. Чунки шартноманинг 4.1 бандида томонларнинг шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги учун жавобгарлик кўзда тутилган. Шу ҳолатга кўра жавобгар 2001 йилнинг 4 чорагида 4 тонна гўшт топшириши керак эди. Лекин йил давомида бу гўшт топширилмади. Бўнак пул ўтказилгандан сўнг ҳам шартнома шартлари бир неккага суриб қўйилди. Шунинг учун суд 750000 сўм жарима ундириш учун ҳал қилувчи қарор чиқарди. Даъвогарнинг устама ҳақ ундириш талаби рад этилди.

Мана, Чуст туманидаги "Машъал" ширкат хўжалиги раиси Баҳодир Файзиев ҳам хўжалик бош ҳисобчиси Салим Назировнинг нима учун жарима тўлаганини билиб олдингиз. Шартнома шартларининг бажармаслиги нафақат иккинчи томонга, балки аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Ана шу эҳтиёжни тўғри ҳис этмаган раис ва унинг ҳисобчиси жарима тўлашга мажбур бўлди. Қиссадан ҳисса шуки, бошқалар бундан тўғри хулоса чиқариб олсалар, жарима тўлашмайди.

Маъмур МУСУРМОН,
"Инсон ва қонун" мухбири



Савол беринг!

Уни хат ҳамда 132-14-18, 133-84-50 рақамли телефонлар орқали кутамиз.

Мен 27 йилдан буён аҳолига автоулов хизмат кўрсатиш тури билан шуғулланаман. Ҳокимиятдан рухсатнома олиб, давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтганман. Даромад солиғи ҳам тўлайман. Саволим шуки, тўрт йўловчига мўлжалланган автомашинага лицензия талаб қилиниши қонунийми?

Р. АЗИЗОВ,
Сариосиё тумани

— Тўрт йўловчига мўлжалланган автомашинага лицензия талаб қилинмайди. Аҳолига автоулов хизмат кўрсатишингиз учун ҳайдовчилик гувоҳномангиз бўлса, етарли.

* * *

Туман прокурори фуқаролардан тушган ҳар бир аризага жавоб бериши шартми ёки уни жавобсиз қолдириш юқори ташкилотлар томонидан кўрсатилганми?

Комилжон РАҲИМОВ,
Амударё тумани, Манғит шаҳри

— 2001 йил 29 августда жорий қилинган **"Прокуратура тўғрисида"**ги Қонуннинг 7-моддаси (фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш)га асосан ҳар бир ариза кўриб чиқилиб, унга тегишлича жавоб берилиши шарт. Ушбу аризаларни жавобсиз қолдириш юқори ташкилотлар томонидан кўрсатилмаган.

Саволларга ҳуқуқшунос
Гулнора САРИМСОҚОВА жавоб берди

Huquqiy savodxonlik

ХОДИМ ТАШАББУСИ БИЛАН ИШДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Меҳнат Кодексининг 99-моддасида белгиланган ходим ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш масаласида баъзи жойларда жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш ходимнинг шу корхонадан ишдан бўшаш истагини билдириб ёзган аризасига биноан амалга оширилади. Ходимнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризани иш берувчи қистови натижасида ёзгани тўғрисидаги важлар суд томонидан синчковлик билан текширилмоғи лозим. Чунки меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббусига кўра, икки ҳафталик огоҳлантириш муддати тугагунга қадар ҳам иш берувчи билан ходимнинг келишувига кўра бекор қилиниши мумкин. Қонунда белгиланган ёки тарафлар келишувига кўра огоҳлантириш муддати ўтмасдан ходимнинг розилигисиз меҳнат муносабатларини бекор қилиш ушбу меҳнат шартномасини тугатишни ғайриқонуний деб топиш ва ходимнинг аввалги ишига тиклаш ҳақидаги талабини қаноатлантиришга асос бўлади. Ўз навбатида ходимнинг огоҳлантириш муддати ўтмасдан ўзбошимчалик билан ишни ташлаши ҳам у томонидан меҳнат мажбуриятларини бузиш деб баҳоланади.

Ариза бериш санаси уни иш берувчига (корхона бошлиғи, унинг муовини, қабулхона котиби, кадрлар бўлими, девонхонага ва ҳоказолар) топширган кун ҳисобланиб, огоҳлантириш муддати кейинги кундан бошланади. Огоҳлантириш муддатига барча календар кунлари киради. Огоҳлантириш муддатининг тугаши дам олиш ёки байрам (шу куни бўлмаган кунга) кунига тўғри келса, охирги иш куни ва шартноманинг бекор бўлиш куни бўлиб, дам олиш ёки байрамдан сўнгги биринчи кун ҳисобланади.

Қонунда белгиланган ёки тарафлар келишувига кўра қисқартирилган огоҳлантириш муддати тугагач, ходим ишни тугатишга ҳақлидир. Иш берувчи эса ходимга меҳнат дафтарчаси ва меҳнат шартномаси бекор қилингани ҳақидаги буйруқдан нусха бериб, у билан ҳисоб-китоб қилишга мажбур. Иш берувчи томонидан ходимнинг ташаббусига кўра меҳнат шартномасининг бекор қилинишини, шунингдек, бошланган ишни тугатмагани, қарзи йўқлиги, варақасининг имзоланмагани, ходимнинг моддий қийматларини топширмагани муносабати билан ҳам кечиктиришга йўл қўйилмайди.

Қонунда белгиланган ёки ходим ва иш берувчи келишувига кўра қисқартирилган огоҳлантириш муддати давомида меҳнат шартномаси тугатилгани ҳақида буйруқ чиқарилган бўлишидан қатъий назар аризасини қайтариб олишга ҳақлидир. Ходимнинг ўрнига бошқа ишчи таклиф этилгани аризани қайтариб олишни рад қилишга асос бўла олмайди. Чунки иш берувчи фақат аввалги ходим ўртасидаги меҳнат шартномасини бекор қилганидан кейингина, бу иш (лавозим)га бошқа ходимни таклиф қилишга ҳақли бўлади.

Огоҳлантириш муддати ўтган бўлса-да, меҳнат шартномаси бекор қилинган ва меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса, ходимнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризаси ўз кучини йўқотади ва бу аризага кўра меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Агар ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризада у томонидан ишни давом эттиришнинг имконияти йўқлиги огоҳлантирилган (ўқув юртига қабул қилинганлиги, пенсияга чиққанлиги, сайланиб қўйилган лавозимга сайланиши ва ҳоказолар) бўлса, иш берувчи меҳнат шартномасини ходим илтимос қилган муддатда бекор қилиши керак.

Tahrirsiz maktub

АТИГИ 15 ҚАДАМ...

Қишлоғимизда жойлашган 27-мактабни тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун қишлоқ аҳлининг шикоят қилмаган идораси қолмади.

Гапнинг очиғи, "Хўжаипок" сув омборидан туман марказига тортилган тоза ичимлик суви қувури шундоқ мактаб биқинидан ўтган. Унга ўн беш метрлик қувур уланиб, сув ўлчагич, сувни очиб-ёпадиган мослама ўрнатилса бас, мактаб сув билан таъминланади. Тўғри, ҳозирда ҳам мактаб ҳовлисидан катта ариқда сув оқиб ўтади, аммо бу ариқ суви мактабнинг қарама-қарши томонида жойлашган туман юқумли касалликлар шифохонаси ҳудуди орқали оқиб келади. Шундай бўлса-да, мактаб ўқувчилари ариқ сувидан ичишга мажбур. Шунданми, қишлоғимиз болалари тез-тез юқумли касалликларга чалиниб туришади.

Мутасадди ташкилотлардан садо бўлмагач, туман ҳокимига ариза билан мурожаат қилдик. Аризамизни ўрганиб чиқишиб, сувга ҳақ тўлаш масаласи оғир эканлиги бизга тушунтирилди. Шунда хўжалигимиздаги Бўриев номидаги фермер хўжалиги барча тўловларни ўз зиммасига олишини айтиб, кафолат хати берди. Туманимиз раҳбарлари розилик беришиб, 2002 йилнинг биринчи чорагида сувни улаб беришга ваъда беришди.

Кунлар ҳам кўз очиб юмгунча ўтаверар экан. Мана, йилнинг иккинчи чораги ҳам ўтиб бораяпти. Бироқ сувни уловчилардан дарак йўқ.

Келажагимиз давомчилари — ёшларимизнинг соғлом бўлиб вояга етишини мутасаддилар қачон ўйлашар экан?

Хуррам БЎРИЕВ,
Шеробод туманидаги Тароқли қишлоғи

Qing`irlikning qiyig`i

КИССА — КАССА ЭМАС

Маданият саройи гавжум. Ўтиришга жой топилмайди. Тик оёқда турганларнинг сон-саноқсиз. Банкирлар, солиқчилар, савдо ходимлари — хуллас, ҳамма жамулжам. "Келинкуёв" шоусига ўхшаш анжуман бўлаётир. Саҳнада бир нечта фирма вакиллари, дўкондорлар мусобақаси ўтказилаяпти. Бошловчи уларга қизиқарли саволлар беради. Бу соҳага қандай кириб қолганлиги, иш фаолияти даврида қанақа "фойдали" ишлар билан шуғулланганлиги ҳақида жавоблар берилади. Навбатда фақат бош ҳарфлари ёзилган "НМК" нима деган топишмоқли саволга келди.

Бошловчига ёрдамчи қиз тахтачага ёзилган «НМК» ёзувини боши узра баланд кўтарди. Мусобақа қатнашчилари ёзувга термулганича бир дақиқа ўйланиб қолишди.

— НКМ — нархи кўтарилган маҳсулот, — деди тижоратчилардан бири.

— Тополмадингиз, — жавоб қайтарди бошловчи.

— Нега кечикдинг Маликам! — деди ёшгина фермерлардан бири. Атрофдагилар хандон отиб кулишди.

— Буям нотўғри.

— Навоий-Кармана магистрали — дея жавоб берди қатнашчилардан яна бири.

— Жавобингиз мавзудан узоқлашиб кетди, — деди бошловчи қалин қошларини чимириб.

— НКМ — бу Назорат Касса Машинаси деган маънони англатади, — деди хушбичим кийинган, кўринишидан солиқ ходимига ўхшайдиган йигит ўрнидан туриб.

— Баракалла, топдингиз. Бугунги шоу ўйини ғолиби бўлганингиз билан табриклаймиз.

Зални қарсаклар, қичқириқ ва хуштаклар садоси босиб кетди. Шовқин-сурондан уйғониб кетган Рамазон Ҳамроев, атрофга олазарак қараб олди. Дўконига бир гуруҳ ўқувчилар кириб келганди. У кўзи бироз илиниб кетганлиги, кўрганлари туш эканлигини билгач, ўраги гуп-гуп урди. Бир чўмич муздек сувдан ичиб, ўзига келгандек бўлди.

Айтишларича, эркакнинг туши тўғри чиқармиш. Навоий туманидаги Ибн Сино номидаги ширкат хўжалигида яшовчи фуқаро Рамазон Ҳамроев бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилди. Вилоят солиқ идораси ходимлари унинг фаолиятини тафтиш қилиб, юридик мақомга эга бўлмасдан савдо-сотиқ билан шуғулланаётганини фош этишди. Унинг Вазирлар Маҳкамасининг 433-сонли қарори талабларига зид равишда фаолият юритаётгани, Қозоғистонда ишлаб чиқарилган 10 коп (500 кг) уннинг ҳар қопини 13 минг 500 сўмдан ҳужжатсиз сотаётгани аниқланди. Далолатномалар расмийлаштирилди ва 135 минг сўмлик ун далилий ашё сифатида савдодан олиниб, тадбиркорга нисбатан тўпланган текшириш материаллари қонуний чора кўриш учун Навоий тумани судига юборилди.

Навоий шаҳридаги "Насимжон" хусусий фирмасига қарашли савдо дўконида ўтказилган текшириш натижасида сотувчи 14670 сўм савдо пулини назорат касса машинасига қайд этмаганлиги, харидорга 3 килограмм "Бухоро" навли ун сотиб, 260 сўм ортиқча пул олиб қолганлиги аниқланиб, далолатномалар тўлдирилди. Бундан ташқари, фирманинг шу йил 21-февралдаги 23-сонли тўлов қоғозига асосан 100 кг шакар нархи 500 сўмдан, шу кунги 24-сонли фактурага асосан 450 килограмм "Бухоро" уни ҳар килоси 180 сўмдан ҳужжатлаштирилиб, дўкон сотувчиси З. Йўлдошевга берилган. Дўкондор шакарнинг ҳар бир килограммини 550 сўмдан, унни эса 260 сўмдан сотаётгани маълум бўлди. Ушбу фирмага 343 минг сўм моливий жарима қўлланилиб, тўпланган ҳужжатлар чора кўриш учун вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасига юборилди. Шаҳардаги "Озиқ-овқат таъминоти" масъулияти чекланган жамиятига қарашли дўкон мудири А. Аллаев 2847 сўмлик савдо пулини назорат касса машинасига киритмаганлиги аниқланди. Бундан ташқари, акциз маркасиз тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликлар сотаётганлиги маълум бўлди. Шу куни 38 минг 250 сўмлик 85 қути "PINE" сигареталари, 78 минг 500 сўмлик ҳар хил турдаги акциз маркасиз, ҳорижда ишлаб чиқарилган спиртли ичимликлар савдодан олинди. Солиқчилар фирмага 343 минг сўмлик жарима солиб, маҳсулотлар эса давлат фойдасига мусодара қилинди.

"Настар-Навоий" хусусий фирмасининг "Элит" кафеси масъул ходимлари эса 40 минг 650 сўм савдо пулини назорат касса машинасида ҳисоблашни "унутиб" қўйишган экан. Натижада тўрт нафар мансабдор шахс МЖТК нинг 164-модда 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилиб, фирмага 435,1 минг сўм жарима солинди.

Қизилтепа туманидаги "Улуғбек-97" хусусий фирмасига қарашли савдо дўконида бўлган солиқ ходимлари дўкон хазинасидаги пулларни ҳисоблашганда 25 минг 465 сўм савдо пуллари назорат касса машинасига киритилмаганлиги маълум бўлди. Чунки дўконда назорат касса машинасининг ўзи йўқ экан. Бундан ташқари, 48 минг 870 сўмлик товарларга сотувчи кирим ҳужжатларини тақдим қилмаганлиги сабабли ушбу товарлар вақтинча сотувдан олинди. Текшириш якуни бўйича улар Вазирлар Маҳкамасининг 621-ва 264-сонли қарорларига асосан 391,8 минг сўм жарима тўлайдиган бўлишди.

Шунингдек, Нурота шаҳрининг Турон кўчаси, 20-уйда яшовчи Хусниддин Сирожев нархи 493 минг сўм бўлган 580 кг ўсимлик ёғи, шу тумандаги С. Жўраев номидаги ширкат хўжалигида яшовчи Салоҳиддин Пардаев нархи 320 минг сўмлик, 400 килограмм ўсимлик ёғини ҳужжатсиз олиб кет

Talab, taklif, mulohaza

АДВОКАТУРА: МУАММО ВА ЕЧИМ

ЯНГИ КОНЦЕПЦИЯ ЗАРУРАТИ

Баҳром САЛОМОВ, адвокат

Бугун адвокат, унинг жамиятдаги ўрни ҳақида гап борар экан, қуйида мен ҳам ўзимнинг шахсий фикр-мулоҳазаларимни баён қилмоқчиман.

Бош Қомусимизнинг 116-моддасида тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланиши белгилаб қўйилган. Амалдаги ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга қаратилган қонун меъёрларидаги мавжуд айрим ҳуқуқий номувофиқлар ҳимоя ҳуқуқини либераллаштиришга тўсқинлик қилади. Чунки **"Адвокатура тўғрисида"**ги, **"Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"**ги ва бошқа Қонунларда белгилаб қўйилган адвокатлар ҳуқуқи, яъни ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга қаратилган баъзи ҳуқуқий меъёрлар амалдаги жиноят процессуал, фуқаролик процессуал ва хўжалик процессуал меъёрларида ўз аксини топмаган. Шу боис адвокатлар томонидан ҳимоя ҳуқуқининг амалга оширилишида баъзи бир муаммоларга дуч келинмоқда.

Жумладан, тергов амалиётида гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқидан ўз вақтида фойдаланиши долзарб масала саналади. Баъзан гумон қилинувчи ва айбланувчи бутун тергов мобайнида гувоҳ сифатида сўроқ қилиниб келинади ва тергов муддати тугашига 2-3 кун қолганда, ушбу "гувоҳ"га бир суткада ҳам айб эълон қилиниб, ҳам дастлабки тергов тамом бўлганлиги муносабати билан иш материалларини танишиш учун тақдим этилиб, баъзида эса ҳимоячини қатнаштириб, бир кун ичида иш материаллари судга жўнатиб юборилади. Бундай ҳолларда на айбланувчи, на унинг адвокати фаол ҳимоя позициясидан туриб иш ҳолатларига таъсир ўтказа олмайди. Ушбу ҳолатнинг яна бир томони шундаки, мазкур шахс ўзига қарши кўрсатма беришдан бош тортганлиги ёки ёлғон кўрсатма берганлиги учун Жиноят Кодексининг 240 ва 238-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Албатта, тергов амалиётида учрайдиган ҳимоя ҳуқуқининг бундай кўринишдаги бузилиши шўро тизимида шаклланган бўлиб, у ҳали батамом барҳам топган эмас. Адвокатларнинг фикрича, ушбу муаммоларни ҳал қилиш мақсадида мамлакатимиз қонунларида "Ҳеч ким ўзига қарши гувоҳлик беришга мажбур қилинмаслиги" ҳақидаги ҳолатларни белгилаш зарур. Зеро, ривожланган давлатларнинг қонунларида айнан шу сингари ҳуқуқий меъёрлар мавжуд.

Бундан ташқари, амалдаги Жиноят Процессуал Кодексининг 51-моддасида ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган саккизта ҳолат белгиланган. Аммо қонуннинг мазкур талаблари барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини адвокат томонидан ҳимоя қилишга имкон бермайди. Шу боис дастлабки тергов ва суднинг барча босқичларида ҳар бир гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг жиноят ишида ҳимоячи қатнашиши шарт.

Амалдаги қонунларда адвокат ҳимоячи ордери суриштирув, дастлабки тергов ва суд органларига тақдим қилганидан кейин мазкур органлар адвокатнинг мижози билан доимий равишда холи учрашиб туриш учун "тасдиқ хати"ни беришга мажбур эканлиги белгиланган бўлса-да, мазкур ҳуқуқий меъёр баъзан амалда бузиши мумкин. Чунки суриштирув ва тергов органлари адвокатга унинг мижози билан учрашиш учун (агар у қамоқда сақланётган бўлса) тасдиқ хати эмас, балки бир марта учрашишга рухсат берувчи "ижозат хати"ни бериши мумкин. Бинобарин, адвокатлар қамоқда сақланаётган ҳимояси остидаги шахс билан ҳар доим бир марта учрашувга рухсат олиб, кейинги ижозатномани олиш мақсадида яна суриштирувчи ва терговчига мурожаат қилиши керак.

Бундай ҳолларга барҳам бериш мақсадида адвокатларнинг фикрича, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар-нинг раҳбарлари томонидан тасдиқ хатини амалга татбиқ этишни осонлаштиришга қаратилган айрим меъёрий ҳужжатлар қабул қилинса, бу фуқароларнинг ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлашни янада мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлардан бири бўлар эди.

Шунингдек, қонунчилигимизни янада либераллаштириш мақсадида дастлабки терговда танланган эҳтиёт чорасини бекор қилиш ёки ўзгартириш учун судга мурожаат қилиш ҳолатларини назарда тутувчи қонун меъёрлари қабул қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман. Айрим судьялар томонидан муайян ишлар бўйича ҳукм чиқаришда мустақилликнинг етишмаслиги, шахсни оқлаш учун далиллар етарли бўлса-да, қатъиятсизлик кўрсатиш, унга оқлов ҳукми чиқариш ўрнига, ишни қайта терговга бериш амалиёти баъзан учраб туришини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Суд амалиётида айрим ташкилий масалалар ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга ёрдам бермаётгани ҳам бор гап. Масалан, жиноят ишлари бўйича судларда ҳам, фуқаролик ишлари бўйича судларда ҳам ишларни апелляция ва кассация тартибида кўриш бир вақтнинг ўзида тайинланади. Суднинг бири шаҳарнинг марказида, иккинчиси шаҳарнинг четида жойлашганлиги боис агар фуқаролик ва жиноят ишида битта адвокат иштирок этаётган бўлса, у ишларнинг бирида қатнашганлиги сабабли иккинчисида иштирок этишга имконияти бўлмайди.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, адвокатура тўғрисидаги ва ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга қаратилган бошқа қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, Ўзбекистон адвокатлар Ассоциациясига республика адвокатлар ҳайъати мақомини бериш, вилоятда адвокатлар ассоциациясининг ҳудудий бўлинмасини ташкил қилиш, адвокатлар малака комиссиясини тузишни адвокатура ихтиёрига бериш ҳамда яқин келажакда жамиятда адвокатуранинг мавқеини оширишга қаратилган концепция ишлаб чиқиш лозим.

Бу ишлар моҳият-эътибори билан жамиятда адвокатура мавқеини кўтаришга хизмат қилади, деб ўйлайман.

ТАҚҚОСЛАШ САМАРАСИ

Гафур АБДУМАЖИДОВ, профессор

Жамиятда адвокатнинг ўрни қандай бўлиши кераклиги ҳақида "Инсон ва қонун" газетасининг шу йилдаги ва "Моҳият" газетасининг 7 июндаги сонларида эълон қилинган олимлар ва амалиёт ходимларининг фикрлари таҳсинга лойиқ. Дарҳақиқат, қонун устуворлигига эришиш кўп жиҳатдан адвокатларнинг самарали фаолиятига боғлиқ. Улар қонун бузилмаслиги, мабодо бузилган экан, ҳақ-ҳуқуқ тикланиши, адолат доимо ғолиб бўлиши учун курашмоқлари лозим. Бу борада муҳим қоидаларни ўз ичига олган Конституциямизнинг икки моддасини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Биринчидан, асосий Қомусимизнинг 116-моддасида **"Фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади"**, дейилади. Бу давлат томонидан барчага малакали юридик ёрдам берилишининг кафолатидир. Жумладан, ҳимояланиш ҳуқуқи ва ундан тўла фойдаланиш учун адвокатни ёрдамга чақириш имконияти фақат айбланувчига эмас, ҳатто гумон қилинган ва шу сабабли ушланган шахсга ҳам таъминланади.

Иккинчидан, Конституциямизнинг 44-моддасига биноан **"Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади"**. Ҳеч ким ўз қилмиши учун судда жавоб беришдан озод эмас. Қонун ва суд олдида барча баббаравар масъул эканлиги аён. Лекин, афсуски, ҳаётда бунга зид воқеалар ҳам учраб туради. Адвокатлар ана шундай нохуш ҳолатларга барҳам беришда етарлича жонбозлик кўрсатмоқдалар, ўз ваколатларидан тўла фойдаланаяпти, деб бўлмайди.

Айтиш жоизки, адвокатларнинг мавқеини янада кўтариш зарурати қонунларимизнинг такомил бўлиши ва ижросига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Олий Мажлис сессиясида Юртбошимиз Ислом Каримов **"Суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг амалда тенглиги таъминланмоғи ва бунинг учун адвокатура идораларининг мавқеини кўтариш даркор"**, деб таъкидлаганлари ҳам бежиз эмас.

Менимча, қонунларимизда адвокатлик лицензияси олиш, адвокатлик фаолиятини тўхтатиш ва тугатиш тартиблари, адвокат ва унинг мижози ўртасида, шунингдек, адвокат билан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья ўртасида юз берадиган муносабатлар, адвокатнинг тергов ва суд жараёнидаги ваколатлари, адвокатнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш каби масалалар кенг муҳокама қилиниши ва қонунларимизда янгича ҳал этилиши зарур. Айниқса, бу борада дунёнинг тараққий этган давлатлари тажрибасини ўрганиш фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлайман.

Юртимиз манзаралари

Mitti maslahat

Рукн учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОРЁҒДИЕВ

БУЙРУҚЛАР ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ?

Маълумки, меҳнат муносабатларида буйруқлар ўзига хос аҳамият касб этади. Бундан ташқари, ҳар бир буйруқ инсон ҳаёти билан боғлиқдир. Шундай экан, корхона, муассаса ва ташкилотларда буйруқлар қандай тузилади? Қуйида ана шу хусусида фикр юритмоқчимиз.

Буйруқлар алоҳида ва (ҳар бир ишга қабул қилинган ёки меҳнат шартномаси тугатилган шахсга) бир неча шахсларга биргаликда чиқарилиши мумкин. Бундай пайтда фақат ишга қабул қилинаётган ёки меҳнат шартномаси тугатилаётган шахслар ҳақида сўз юритилади. Бошқача айтганда, буйруқнинг бир бандида шахсни қабул қилиш ҳақида сўз юритилса, бошқа бандида ўзга бир шахснинг меҳнат шартномаси тугатилганлиги ҳақида сўз боради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, буйруққа имзони ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс қўяди.

Қуйида айрим буйруқлардан намуналар билан таништирамиз:

1. Ишга қабул қилиш ва меҳнат шартномасининг ўзгаришига доир:

а) Холиқова Умида — 2002 йил 30 майдан тарификацияда белгиланган иш ҳақи билан Бухоро шаҳридаги 18-ўрта мактабнинг химия ўқитувчиси лавозимига қабул қилинсин.

Асос: 2002 йил 29 майдаги меҳнат шартномаси.

б) Азимова Гулнора — 2002 йил 1 июндан унинг зиммасига тўлиқ моддий масъулиятни юклатган ҳолда штат жадвалидаги маош билан Наманган шаҳридаги 2-сон болалар боғчасига омбор мудираси лавозимига қабул қилинсин.

Синов муддати 2 ой қилиб белгилансин.

Асос: 2002 йил 1 июндаги меҳнат шартномаси.

2002 йил 1 июнда тўлиқ моддий масъулиятни ўз зиммасига олганлиги ҳақида шартнома.

в) Ботиров Юнус — 2002 йил 15 майдан Наманган вилояти етим болалар мактаб-интернатининг иситиш хонасига оператор лавозимига ишга қабул қилинсин.

Иш тартиби смена жадвали бўйича белгилансин.

Асос: 2002 йил 15 майдаги меҳнат шартномаси.

2. Меҳнат шартномасининг тугатилишига доир:

а) Бухоро давлат педагогика институтига кирганлиги туфайли болалар боғчасининг тарбиячиси Муродова Ҳилола билан (Меҳнат Кодексининг 99-моддасига биноан) тузилган меҳнат шартномаси ўз ҳоҳишига кўра тугатилсин.

Асос: 2002 йил 5 июндаги Муродова Ҳилоланинг аризаси, Бухоро давлат дедагогика институтига кирганлиги ҳақидаги буйруқ кўчирмаси.

б) Иш ҳажми қисқариб, штатларнинг камайишига олиб келганлиги туфайли (Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 2-қисми, 1-бандига асосан) рус тили ва адабиёт ўқитувчиси Олимов Мурод билан касаба уюшмасининг келишувига кўра ўртача ойлик маош миқдорида ёрдам пули тўлансин. 2002 йил 5 июндан бошлаб М. Олимовга меҳнат шартномасига кўра, Меҳнат Кодексининг 67-моддасида кўрсатилган қўшимча моддий ёрдам кафолатлари тақдим этилсин.

Асос: 2002 йил 15 майгача бўлган тиббий жадвалининг ҳолати. Ишга жойлаштиришни рад этиш далолатномаси Касаба уюшмасининг 2002 йил 1 июнда ўтказган йиғилиши баённидан кўчирма.

Кўрсатилган намуналардан иборат бир неча бандли буйруқлар ҳам бўлиши мумкин.

Ҳар бир буйруқда, шубҳасиз, меҳнат шартномасининг тугатилиш асослари ҳисобга олинган ҳолда ёзилиши, буйруқ билан таништирилганлиг, унинг нусхасини олганлиги ҳақидаги белгилар (сана, имзолар аниқ кўрсатилган ҳолда) бўлиши унинг қонунийлигини таъминлайди.

ИШОНЧ УЙҒОТИШ ЛОЗИМ

Гулчеҳра МАТКАРИМОВА, адвокат

"Адвокат" атамаси юнонча сўз бўлиб, "ҳамҳакам", "қўшилиб сўзловчи" ва лотинчада "табиатан мойил" деган маъноларни англатади. Қадимги Юнонистонда ҳимоячилик вазифаси жамоалар орасида ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлаш мажбуриятининг пайдо бўлиши асосида юзага келган. Ҳар бир жамоа аҳрим ишларига ўзининг бир неча ҳимоячисини йўллаган. Уларнинг вазифаси дастлаб айрим қисқа гувоҳликлар беришдан иборат бўлган, вақт ўтиши билан оқловчилар судлов жараёнида бевосита иштирок эта бошлаган.

Рим салтанати даврига келиб, адвокатлар махсус ҳуқуқий маълумотга эга бўлган мансабдорларга айланишди. Улар ўз мижозларини креторлар ва суд ҳузурида ҳимоя қилишган. Адвокатлар ўз мижозини ҳимоя қилиши учун нафақат қонунларни яхши билиши, балки нотиқлик маҳоратига ҳам эга бўлишлари лозим эди. Бундан икки минг йил муқаддам адвокатлар зиммасига жуда юксак талаблар қўйилган ва шунингдек, улар давлат томонидан тўланадиган жуда катта маошни оқлашлари шарт бўлган. Чунончи, Сенат қарорига биноан Рим императори Клавдий томонидан адвокатларга 10 минг сестерсийдан иборат маош тўланган. Римнинг машҳур давлат арбобларидан бирортаси ҳам нотиқлик санъатини юксак даражада эгалламай туриб, мансаб поғоналаридан юқори кўтарила олмаган. Тарих варварақларида суд жараёнида намоён этган нотиқлик маҳоратлари туфайли юқори мавқеларни эгаллаган Фемистон Перикл, Демосфен, Марк Крос, Марк Тумий Сисерон, Ғай Юлий Цезар каби давлат арбобларининг номлари муҳрланган.

Энди бу савобли касбнинг бугунги кундаги вакиллари хусусида сўз юритсак. Собиқ шўро даврида адвокатурада кимлар ишлагани ҳаммага маълум. Улар асосан баъзи қилмишлари учун жазоланган собиқ прокуратура, ҳуқуқ-тартибот муассасалари ходимларидан иборат эди. Айрим ҳолатларда ҳимоячилар сафи санаб ўтилган ҳуқуқ тизимидан нафақахўрликка чиққан қариялар ҳисобига ҳам тўлдирилган. Бу ҳолнинг таъсири ҳозир ҳам сезилиб туради. Шу ўринда табиий савол туғилиши мумкин: адвокатликка прокурор, милиция ходимларидан олиниши мумкин эмасми? Албатта мумкин, лекин нима сабабдан олдинги жойидан кетганлиги инобатга олиниши шарт.

Адвокатлик фаолияти касб этикасини, чуқур билими ва толерактиликни талаб қилади. Шундай экан, адвокат билимли, маданиятли шахс бўлиши керак. Лекин адвокатларнинг малакасини ошириш борасида ҳали муаммолар йўқ эмас.

Шу йил 19 май куни Тошкент шаҳрида адвокатлар Ассоциациясининг шаҳар бўлими конференцияси бўлиб ўтди. Бу конференцияда иштирокчиларга **"Адвокатура ҳақида"**ги Қонун лойиҳаси тақдим этилди. Бу анжуман адвокатларнинг билим савияси, профессионал маҳорати етарли эканини намойиш этди. Тақдим этилган лойиҳа бўйича турли фикрлар билдирилди, баҳслар бўлди. Бу ўз навбатида мазкур институт номоёндаларининг ўз касбларига бефарқ эмаслиги, мамлакатдаги ислоҳотларда фаол иштирок этишни мақсад қилганликларини кўрсатди.

Жамиятда адвокатнинг мавқеини кўтариш учун нима қилиш керак, деган саволга бир неча йиллардан буён жавоб қидириляпти. Назаримизда, жавоб битта — қонунларга лоқайд муносабатни бартараф этиш, қонунлар, айниқса, процессуал қонунларнинг тўла амалий ижросини таъминлаш даркор.

Тергов жараёнида процессуал хатога йўл қўйилган бўлса, суд ўша ишнинг процессуал хатосини кўрсатиб, қайта терговга юборса, ишни кўриб чиқишга қабул қилмаса ёки ўзга қарорга келса, бу қонунлар ишлаш механизмининг яхшиланишига олиб келган бўларди.

Адвокат томонидан процессуал камчилик кўрсатилган ҳолларда ҳам суд бу хаталарни инобатга олмаса ёки ўз ҳимоясидаги шахс ёхуд унинг қариндошлари билан соатлаб рухсатнома кутиб турса, адвокатнинг мавқеи кўтарилмайди.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, адвокатлик тўғрисидаги янги қонун лойиҳаси анча мукаммал тузилган. Албатта, унда айрим ғализ ўринлар ҳам йўқ эмас. Шундай бўлса-да, мазкур қонун лойиҳаси таҳрир қилиниб, қабул қилиниши адвокатура фаолиятини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Адвокатлар эндиликда ўзларига нисбатан ишонч уйғотишлари зарур. Бу эса уларнинг зиммасига катта масъулият юклайди.

ЯПОНИЯ: ТАРАҚҚИЁТ ТАЖРИБАСИ

Акмал БУРҲОНОВ, магистр

Японияниг "Адвокатлик тўғрисида"ги Қонунига кўра, адвокатура фаолияти зиммасига фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, олий судловни амалга ошириш жараёнида ҳақиқатни аниқлашга ёрдам бериш сингари бағоят масъулиятли вазифа юклатилган.

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс ўз касбий фаолиятини амалга ошириш жараёнида юксак маданиятли бўлишга интилиши, инсофли, виждонли, ҳалол бўлиши, шунингдек, қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан яхши таниш бўлиши талаб этилади.

Мамлакатда "Адвокатура фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ адвокатура фаолияти қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олади: фуқаролар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида улар ўртасида тузилган шартнома ё ҳукумат ёки жамоат ташкилотлари сўрови асосида жиноят ва суд жараёнларида иштирок этиш, чиқарилган қарорлар устидан ариза ҳамда шикоятлар киритиш, қайта текширув, шунингдек, тушунтириш беришни сўраб мурожаат қилиш ва бошқа юридик аҳамиятга эга бўлган ишларни амалга ошириш, тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатиш.

Албатта, адвокатлик фаолияти билан шуғулланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган шахс, энг аввало, олий юридик маълумот ва белгиланган малакага эга бўлиши лозим. Белгиланган малакага эга бўлиш деганда, адвокатликка номзоднинг қуйидаги шартлардан бирига жавоб бериши лозимлиги тушунилади:

1) Адвокатликка номзод Япония Олий суди судьяси лавозимида ишлаган;

2) Энг камида беш йил судья, прокурор, суд ижрочиси, суд котиби, Адлия вазирлиги ходими, Юридик тадқиқотлар ва билимлар институти, Клерк судларининг малака ошириш институти ёки Адлия вазирлигининг малака ошириш институтида ўқитувчи, Вакиллар палатасининг қонунчилик бюроси котиби ёки Маҳкама (Ҳукумат)нинг қонунчилик бюроси котиби лавозимида хизмат қилган;

3) Адвокатликка номзод камида беш йил ҳуқуқшунослик факультетининг профессори ёки профессор ёрдамчиси лавозимида фаолият кўрсатган бўлиши талаб этилади.

Бундан ташқари, қуйидаги шахсларнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланишига йўл қўйилмайди:

1. Муқаддам жиноий жавобгарликка тортилган шахслар;

2. Илгари шахсга нисбатан импичмент суди томонидан қарор чиқарилган;

3. Шахсга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш таъқиқлаган;

4. Дипломга эга бўлган бухгалтер сифатида рўйхатдан ўтган;

5. Илгари банкрот деб эълон қилинган, аммо ҳамон ўзини тиклаб олмаган бўлса, адвокатлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат берилмайди.

Японияда адвокатлик фаолияти билан шуғулланишни истаган шахслар, аввало, мамлакатдаги Юристлар Ассоциацияси Федерациясида сақланувчи идоравий ҳужжатларда рўйхатдан ўтиши талаб этилади. Бунинг учун эса адвокатлик фаолияти билан шуғулланишни кўзлаган шахс округ Юристлар Ассоциацияси орқали рўйхатга олинади.

Қуйидаги ҳолларда адвокатликка номзодни рўйхатдан ўтказиш рад этилади:

1) Юристлар Ассоциацияси номзодни Ассоциацияга зиён етказади, унинг обрўсини тўкади, деб топса;

2) Номзод адвокат сифатида фаолият кўрсатишга нолойиқ деб топилса, яъни шахс жисмоний ёки руҳий жиҳатдан заиф бўлса;

3) Шахсга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш таъқиқлаб қўйилган бўлса.

Қайд этилган ҳолатлардан келиб чиқиб, Юристлар Ассоциацияси номзодни Япония Юристлар Ассоциацияси Федерациясига тавсия қилишни рад этса, бу ҳақида номзод дарҳол огоҳлантирилиши керак.

Яна шуни таъкидлаш керакки, адвокатлик фаолияти билан шуғулланаётган шахс ўз фаолиятини Япония Юристлар Ассоциацияси Федерациясининг Низоми талабларига қатъий риоя этган ҳолда амалга оширади.

Мисол учун айтганда, адвокат ўзи қатнашаётган иш бўйича давлат органлари, корхона, ташкилот ва муассасалардан тегишли ҳужжатлар талаб қилиб олмоқчи бўлса, у аввал Юристлар Ассоциациясига ариза билан мурожаат қилади. Ўз навбатида Юристлар Ассоциацияси ҳужжатни талаб қилиб олишни лозим деб топмаса, бу ҳолда адвокатнинг аризаси қаноатлантирмасдан қолдирилади. Аксинча ҳолларда эса, Юристлар Ассоциацияси тегишли давлат органи, корхона, ташкилот ёки муассасага бўлган маълумотларни тақдим қилишни сўраб мурожаат этади.

Бундан ташқари, адвокат қуйидаги ишлар бўйича ҳимоячи сифатида қатнаша олмайди:

1) У мижозининг қарши тарафидаги шахснинг ҳимоячиси сифатида аввал ҳам суд жараёнига қатнашган;

2) шу иш бўйича мижозининг қарши тарафидаги шахсга ҳуқуқий маслаҳатлар берган (агар маслаҳатнинг шакли ва даражаси мижоз-адвокат муносабатлари асосида амалга оширилган бўлса);

3) ишга адвокат илгари давлат хизматчиси сифатида иштирок этган;

4) мазкур иш юзасидан аввал судья сифатида қатнашган бўлса.

Энди бевосита Япония Юристлар Ассоциацияси ҳақида гапирадиган бўлсак, мазкур ташкилот аъзоларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини мувофиқлаштириб туриш, уларга раҳбарлик кўрсатмалари бериш, мустаҳкам алоқа боғлаш ва фаолиятини мунтазам кузатиб бориш, шаъни ва қадр-қимматининг дахлсизлигини таъминлаш, шунингдек, тизим фаолиятини узлуксиз равишда ривожлантириш мақсадида ташкил этилган.

Албатта, Юристлар Ассоциацияси юридик шахс ҳисобланади. Мазкур ташкилот ҳар бир округ суди юрисдикцияси ҳудуди доирасида ташкил этилади.

Бу ташкилотнинг Низоми Япония Юристлар Ассоциацияси Федерацияси томонидан тасдиқланади.

Ташкилотнинг Низомида қуйидаги шартлар қайд этилган:

1) Юристлар Ассоциациясининг номи ва унинг идораси жойлашган манзил;

2) Ассоциация президенти, вице-президенти ва бошқа масъул шахсларни сайлаш тартиби, тузилиши ва ваколатларига доир қоидалар;

3) Ассоциацияга аъзо бўлиш ва ундан чиқиш қоидалари;

4) Адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларни рўйхатга олиш ва уни ўзгартириш тўғрисидаги қоида ва ҳоказолар.

Шу билан бирга ташкилотни рўйхатдан ўтказиш китобида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

1. Номи;

2. Юристлар Ассоциацияси ташкил қилинаётган ҳудуддаги округ суди юрисдикциясининг номи;

3. Юристлар Ассоциацияси жойлашган идоранинг манзили;

4. Юристлар Ассоциацияси президенти ва вице-президентининг тўлиқ исм-шарифи ва яшаш манзили.

Яна шуни айтиш керакки, мамлакатдаги барча Юристлар Ассоциацияларига умумий раҳбарликни Япония Юристлар Ассоциацияси Федерацияси амалга оширади. Унинг асосий вазифаси — Япония адвокатлари, Юристлар Ассоциацияларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга раҳбарлик кўрсатмаларини бериш, мустаҳкам алоқа боғлаш ва фаолиятини узлуксиз равишда кузатиб бориш, шаън ва қадр-қимматини таъминлаш, энг муҳими, тизимни ривожлантиришдан иборатдир.

Юристлар Ассоциацияси Федерацияси фаолиятини ўзининг Низоми асосида амалга оширади.

Юристлар Ассоциациясига аъзо бўлган адвокатлар бир пайтнинг ўзида мамлакат Юристлар Ассоциацияси Федерациясининг аъзоси ҳисобланади.

Албатта, мамлакатда ҳар бир шахс учун адвокатлик фаолиятини юритишда қатъий интизомга риоя этиш тартиби жорий этилган. Жумладан, адвокат "Адвокатлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни, Япония Юристлар Ассоциацияси Федерациясининг Низоми қоидалари ёки Юристлар Ассоциацияси Низомида қайд этилган қоидаларни бузса, адвокатлик фаолиятига хос бўлмаган хатти-ҳаракатларга йўл қўйса, ўз касби тақозо этган вазифаларни лозим даражада бажармаса, унга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилади.

Адвокатни интизомий жавобгарликка тортиш Япония Юристлар Ассоциацияси Федерацияси ёки Юристлар Ассоциацияси қошида тузилган Адвокатларнинг интизомий жавобгарликка тортиш қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Хусусан, қуйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

1) Ҳайфсан бериш;

2) Икки йилдан кўп бўлмаган муддатга адвокатлик фаолияти билан шуғулланишдан маҳрум қилиш;

3) Юристлар Ассоциацияси аъзолигидан чиқариш;

4) Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан бутунлай маҳрум қилиш.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, Японияда адвокатура тизимининг ўзига хос жиҳатлари унинг марказлашганлиги билан изоҳланади. Чунки адвокатлик фаолияти билан шуғулланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган шахс маълум ҳудуддаги (округдаги) Юристлар Ассоциациясига адвокат сифатида рўйхатдан ўтказилишини сўраб мурожаат қилади. Рўйхатдан ўтгач, у шу ассоциациянинг бевосита аъзоси ҳисобланади.Бу ассоциация эса бевосита Япония Юристлар Ассоциацияси Федерацияси таркибий қисми саналади.

Яна бир ўзига хос жиҳати шунда кўринадики, адвокатликка номзод олдига қўйиладиган талабларда ўта масъулиятли эканлиги билан ажралиб туради. Бошқача айтганда, адвокатликка номзод олдига қўйиладиган талабларнинг нечоғлик юксаклиги бевосита тизимни ривожлантириш, унинг сифатини таъминлашга хизмат қилади.

Savol va saboq

"ТИКО"МНИ КЎРГАН БОРМИ?.."

ФЕЛЬЕТОН

— "Тико"мни йўқотиб қўйдим. Оппоқ, худди сутдек оппоқ "Тико" эди. Унинг калитини мана шу қўлларим билан ушлаган эдим. Хатто уч-тўрт қадам хайдаганим ҳам бор гап. Бунга гувоҳларим ҳам бор. Мукофотга "Тико" олганлигим ҳақида газеталарда ёзишган. Телевизорда кўрсатишган. Ишонмаяпсизми?.. Ана, кўрдингизми, бошқалар ҳам ишонишмаяпти. Лекин "Тико" олиб, йўқотганим рост...

Мақоламизни мутолаа қила бошлаган ўқувчимизнинг ҳаёлидан "бир бечоранинг янги машинасини ўғри уриб кетибди", деган ўй кечган бўлса, ажабмас. Йўқ, адашаяпсиз...

Келинг, яхшиси гапни газетхонга машинасини "йўқотган" шикоятчимизни таништиришдан бошлайлик. (Фақат биз шикоятчини таништиргунга қадар сиз "йўқотган" сўзини қўштирноққа олганимизни ёддан чиқармай туринг). Музработ туманидаги «Янгиобод» жамоа хўжалигида яшовчи ва шу хўжаликка қарашли қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш корхонасининг комбайнчиси Баҳромхон Фармонов таҳririятга йўллаган хатини шундай жумлалар билан бошлайди:

"Мен 1997 йилдан буён "Кейс" комбайнининг катта ҳайдовчиси бўлиб ишлайман. Тумандаги қишлоқ хўжалиги ишларида, жумладан, ғалла ўримйиғимида фаол қатнашиб келаяпман. Айниқса, ўтган 2001 йилги ғалла ўрим-йиғими мавсумида қўлга киритган ютуқларим салмоқли ва қувончли бўлди. Мавсум якуни натижасига кўра, мен вилоятда ўтказилган мусобақа ғолиби, деб топилдим. Мукофот сифатида менга "Тико" автомашинаси берилгани элга овоза қилинди. Ўзим ҳам хурсандчиликдан ошна-оғайнилар билан меҳнатим маҳсули — мукофотга берилган "Тико"ни «ювдик»...

Аслида ота-боболаримиз сув кўрмай этик ечма, деб бежиз айтишмаган экан. Мукофот менга ҳалол меҳнатимни рағбатлантириш учун эмас, балки сарсон-саргардон қилиш ва эл олдида юзимни ерга қаратиш учун берилган экан, шекилли..."

Шу ўринда бироз чекиниш қилайлик. Хўш, аслида мукофот кимга ва нима учун берилади?

Албатта, бу саволга ҳар бир киши сира иккиланмай жавоб бериши мумкин. Ахир, кимга бўларди, яхши ишлаган ходимнинг меҳнатини қадрлаш ва уни рағбатлантириш мақсадида берилади-да, мукофот деганлари. Ҳеч замонда ишёқмас, дангаса одамнинг ҳам мукофот олганини эшитганмисиз? Йўқ. Демак, Баҳромхон Фармонов ҳам 2001 йилги ғалла ўрим-йиғим мавсумида ўз жамоаси, қолаверса, Сурхондарё вилоятида энг юқори натижа кўрсатиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлганлиги учун мукофотга сазовор бўлган.

Энди 2001 йилги ғалла ўрим-йиғими мавсумида юқори натижага эришган комбайнчиларни мукофотлаш тартиби Сурхондарё вилоятида қандай амалга оширилгани хусусида гапирадиган бўлсак, бу борада ҳам бирор бир қонунбузарликка йўл қўйилган, деб айтолмаймиз.

- *Мукофот беришдан мақсад нима?*
- *«Буюраман: ғолиб тақдирлансин!»*
- *«Тико»ни ювайлик, Баҳромбой!»*
- *«Биринчи мукофотни олмасам бўларкан...»*
- *Йўқолган «Тико» топиладими?*

2001 йил 14 майида Вазирлар Маҳкамасининг **"2001 йилги бошоқли дон экинларини ўз вақтида ва сифатли йиғиштириб олиниши ҳамда давлат эҳтиёжлари учун дон сотиш бўйича контракция шартномалари бижарилишини таъминлаш тўғрисида"**ги қарори қабул қилинади. Мазкур қарор асосида 2001 йил 22 май куни Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ҳам қарор қабул қилади. Мазкур қарорларнинг амалий ижросини таъминлаш мақсадида вилоят "МТПлар бирлашмаси" ҳиссадорлик жамияти раиси Тўймурод Отамуродов ҳам 2001 йилнинг 24 майида қуйидаги буйруққа имзо чекади:

(Давоми тўртинчи бетда)

Savol va saboq

"ТИКО"МНИ КЎРГАН БОРМИ?.."

(Давоми. Боши учинчи бетда)

"Мавсумда кам харажат қилиб, вилоятда энг кўп ғалла майдонини ўрган комбайнчилар қуйидаги қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирлансин:

Биринчи ўрин —"Тико" автомашинаси.

Иккинчи ўрин учун рангли телевизор.

Кейинги ўринларни олганларга телевизор, гилам, сервис совғалари берилсин.

Ушбу буйруқнинг ижросини ўз зиммамда қолдираман.

Т. Отамуродов".

Албатта, ўрим-йиғим арафасида бундай буйруқнинг чиқиши ва комбайнчилар унинг моҳиятидан хабардор бўлиши мавсумни юқори суръатда ўтказишда ўзининг ижобий самарасини берди. Бир томондан ана шундай рағбат ва моддий манфаатдорлик таъсирида барча комбайнчилар кечаю кундуз ҳалол меҳнат қилишди. Мавсум якунидаги ҳисоб-китоблар натижасига кўра, музработлик Б. Фармонов 970 гектар майдондаги ғаллани ўриб-янчишга эришиб, вилоятда энг юқори кўрсаткичга эришгани маълум бўлди. Ва ўз навбатида "МТП лар бирлашмаси" ҳиссадорлик жамияти раиси Т. Отамуродов янги буйруққа имзо чекади. Мазкур буйруқни ҳам газетхон эътиборига ҳавола этсак, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз:

"БУЙРУҚ:

2001 йил 23 июн. Термиз шаҳри.

2001 йил ғалла ўриш мавсумининг қисқа муддатда муваффақиятли якунланганлиги ҳамда жамиятнинг 2001 йил 24 майдаги 61-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Тизимдаги туман МТП лари механизаторлари ўртасида кам харажат қилиб, энг кўп ғалла ўрган комбайнчини аниқлаш мақсадида вилоят "МТП лар бирлашмаси" ҳиссадорлик жамияти ходимларидан иборат қуйидаги таркибда ишчи комиссияси тузилсин:

Комиссия раиси Ч.Менгниёзов, аъзолари У. Менглибоев, У. Атипов, Д. Шарипов, А. Норқулов.

2. Ишчи комиссиясига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

- ҳар бир комбайнчи ўрган майдонлар тўғрисида маълумот олиб, ўрганиб чиқиш;

- комбайнга қилинган харажатларни аниқлаш;

- комбайндан фойдаланиш коэффициентини таҳлил қилиш;

- энг илғор комбайнчиларни аниқлаб, уларнинг рўйхатини бирлашмага тақдим қилиш;"

Албатта, ишчи комиссияси аъзолари зиммаларига юклатилган вазифани аъло даражада бажаришган. Комиссия мавсум якунини таҳлил этиб, қуйидаги қарорни қабул қилган:

"Биринчи ўринга Музработ МТП АЖ дан "Кейс" комбайни оператори Б. Фармонов — 970 гектар.

Иккинчи ўринга Жарқўрғон МТП АЖ дан "Кейс" комбайни оператори О. Қиличев — 837 гектар.

Учинчи ўринга Термиз МТП АЖ дан "Кейс" комбайни оператори Б. Бобомуродов — 767 гектар".

Бор-йўқ гап мана шундан иборат. Музработлик илғор "Кейс" комбайни оператори Б. Фармонов меҳнатига яраша рағбатлантирилди. Вилоятда энг юқори кўрсаткичга эришиб, "Тико" автомашинасининг соҳиби бўлди.

Хўш, бунинг нимаси ёмон, дейсизми? Унда шикоят мактубининг давомини ўқиймиз:

"... 2001 йилнинг 8 июль куни Термиз шаҳрида ўрим-йиғим мавсумининг якунларига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Тантанали йиғилишда вилоят ҳокимининг ўша пайтдаги биринчи ўринбосари Соатмурод Жўраев ғалла ўрим-йиғим мавсумида энг юқори натижага эришганим учун менга мукофот тарзида бепул "Тико" автомашинаси берилганини эълон қилиб, ҳаммага кўз-кўзлаб, машина калитини топширди. Тўғриси, хурсандчилигимдан ўзимни йўқотиб қўйдим. Вилоят раҳбарлари мени қўярда-қўймай машина рулига ўтқаздилар. Ҳаяжон зўрлигидан базўр уч-тўрт қадам ҳайдадим ҳам. Бу тантана республика ва вилоят телевидиниеси ходимлари томонидан тасвирга туширилди. Бу тасвир Сурхондарё телевидиниесидагина эмас, мамлакат телевидиниесида ҳам халққа намойиш қилинди. Вилоят "Сурхон тонги" газетасининг 2001 йил 11 июль сонида "Пешқадам комбайнчига "Тико", Музработ туманининг "Меҳнат зафари" газетасида "Мукофотга "Тико" сарлавҳали мақолалар чоп этилди.

Ана энди кўринг томошани. Ҳар куни "қуллуқ бўлсин"чилар, "машинани ювайлик, Баҳромбой", дегувчилар кўпайиб қолди. Эҳ-ҳей, нимасини айтай. Йўқ машинани беармон "ювдиювди" қилдик..."

Хўш, мана энди мақоламиз муқаддимасида нега машинасини "йўқотган", деган сўзни қўштирноққа олганимизга ойдинлик киритсак бўлади. Аввало, Б. Фармоновга мукофот тариқасида "Тико" берилгани рост эдими, деган саволга жавоб ахтариб кўрайлик. Агар матбуотда чоп этилган мақолалар, телекўрсатувлар (қўлимизда видеотасмалар ва мақолалар чоп этилган газеталарнинг нусхалари мавжуд) ва вилоят "МТПлар бирлашмаси" ҳиссадорлик жамияти раисининг буйруғига ишонадиган бўлсак, Б. Фармоновни "Тико" билан тақдирлангани рост. Энди "Тико"нинг тўсатдан "йўқолиб" қолишига келсак, минг афсуски, бу ҳам бор гап. Буни янада аниқроқ айтсак, Б. Фармонов машинани олган кунининг ўзидаёқ "йўқотган". "Йўқотиш" тафсилотини у ўз хатида қуйидагича баён қилади:

"... 2001 йил 8 июлдаги тантанали йиғилишдан сўнг менга берилган "Тико"ни қайта кўрмадим. Ўша тантанали йиғилишда иштирок этган корхонамиз раҳбари Эркин Жумаев ҳали ҳаяжоним босилмасдан туриб, қўлимдан машинанинг калитини олиб кўйди. Шу бўйича қайтармади. Кейин унинг қабулига қатнайвериб чарчадим. Топиб олган гапи битта: "Мен сенга машина бермаганман. Ким мукофотлаган бўлса, ўшандан талаб қил!" Тумандаги раҳбаримдан ҳафсалам пир бўлиб, вилоятга қатнай бошладим. Т. Отамуродов кўкрагимдан итармади. "Албатта, машина сизники. Уни оласиз. Фақат озгина кутинг", деди. Беармон кутдим. Маънилироқ жавоб бўлмади. Ахир, кутишнинг ҳам чеки-чегараси бўлади-ку! Охири, тоқатим тоқ бўлиб, 2001 йилнинг 26 ноябрида вилоят ҳокимининг шахсан ўзига ариза ёздим..."

Ҳурматли газетхон! Ниҳоят, Б. Фармонов ўз машинасини олгандир, деб ўйлаган чиқар. Рост гап, биз ҳам шундай бўлишини кутган эдик. Афсуски, Б. Фармоновнинг ушбу шикояти ҳам қумга тўкилган сувдек изсиз кетди. Тўғри, шикоят хати бир жойда тўхтаб қолгани йўқ. У энг аввало, вилоят ҳокимининг имзоси билан вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи муовини Ш. Ориповга жўнатилди. Ш. Орипов ҳам ўз ишига "масъулият" билан ёндашади. У киши шикоят хатини вилоят "МТПлар бирлашмаси" ҳиссадорлик жамияти раиси Т. Отамуродов (газетхонларимиз шикоят хати кимнинг устидан ёзилганини ёддан чиқармаган бўлсалар керак, албатта!) га йўллайди. Унинг устига жимжимадор имзо чекиб, "шахсан ўзингиз шуғулланиб, ҳал қилинг. Ариза муаллифи ва вилоят ҳокимлигига ахборотнома тайёрланг", деб ёзиб қўйишни ҳам унутмайди.

Қизиқ жойи шундаки, шикоят хати бу ерда ҳам «қўним» топмайди. Ҳиссадорлик жамияти раиси Т. Отамуродовнинг "шахсан шуғулланиш"га вақти бўлмайди, шекилли, шикоят хатини ўз муовини О. Толлиевга "оширади". Буни қаранг-ки, муовин О. Толлиев ҳам анойи эмас экан. Нега энди шунча раҳбарнинг ўртасида бир-бирига "ошириб" келинаётган шикоятга у жавоб бериши керак? Ортиқча бошоғриғидан қутилишнинг энг яхши йўли эса хатни ўз қўлида ушлаб турмаслик ва масъулиятни кимгадир юклаш. О. Толлиев ҳам шундай йўл тутди. Шикоят хатини ўзгалар зиммасига юклаб қўя қолди. Шу билан на ариза муаллифи, на вилоят ҳокимлигига бир энликкина жавоб хати йўлланмади. Ариза муаллифику, ҳалиям шикоятига жавоб сўраб оворао сарсон бўлиб юрибди. Лекин вилоят раҳбарлари бу шикоят хатини "унутиб" қўя қолишди. Агар "унутмаган"ларида кимдандир жавоб талаб қилган бўларди-да...

Энди яна тахририятга келган шикоят хатига қайтсак:

"... Кўриниб турибдики, мени, мустақил мамлакатнинг оддий бир фуқаросини алдашди. Ҳақ-ҳуқуқларимни оёқости қилишди. Умуман олганда, мени "Тико" билан тақдирлашдан мақсад нима эди ўзи? Ҳалол меҳнатимни рағбатлантиришми ёки ошнаоғайни, қўни-қўшни, таниш-билишларимнинг олдида шарманда қилишми?! Агар бундан кўзланган мақсад рағбатлантириш бўлса, мукофотга берилган машина қани? Агар мақсадларим мени эл-юрт олдида кулги қилиш бўлса, уларга бундай ҳуқуқни ким берган?!

Бу — масаланинг биринчи томони. Иккинчи томони шундаки, мендан кейинги ўринларни олган ғолибларга телевизор, гилам, полос, сервис ва бошқа қимматбаҳо мукофотлар берилди. Нега энди мен вилоятда энг юқори натижага эришиб, биринчиликни қўлга киритган механизатор ўз мукофотимни ололмаслигим керак?!. Мен ана шу саволларимга холис жавоб топишни истайман".

Б. Фармоновнинг саволларни ўқиб, шундай табиий саволлар туғилади: Биринчидан, вилоятда ғалла мавсумида ўрим-йиғим илғорларига мукофот беришнинг имкони йўқ экан, нега мукофот таъсис этилди? Иккинчидан, нега вилоят ҳокимининг муовини аслида ўзи йўқ машинанинг калитини ҳаммага кўз-кўз қилди? Учинчидан, ғолиб механизатор Б. Фармоновнинг бугунгача овора-ю сарсон бўлиб юришига ким айбдор? Тўртинчидан, хўп, унга ўша машинани "топиб" беришди ҳам дейлик, лекин унинг шунча овора-ю сарсон бўлгани учун ким жавоб беради?

Бу саволларга мутасадди раҳбарлар кеч бўлса-да, жавоб топадилар, деган умиддамиз.

Ислом ҲАМРО,
"Инсон ва қонун" мухбири

Болаликнинг масъум нигоҳи

Dunyoviy yo`riqlar

ҚАРЗ

У ҲАТТО ОХИРАТДА ҲАМ ЖАВОБСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Халқимизда кимни синамоқчи бўлсанг, қўлига пул бериб кўр, деган нақл бор. Албатта, бу бежиз айтилмаган.

Ҳаётда кишиларнинг бир-биридан қарз сўраши кўп учраб туради. Кўпчилик қарз олганда ёки берганда, бунинг ўзига хос шарт ва мажбуриятлари борлигини кўп ҳолларда унутиб қўяди. Бунинг натижасида қарз берган киши пули ёки мулкини ундириб ололмасдан турли идоралар эшигини қоқиб юради. Баъзи ҳолларда эса қарз беришни қонуний тарзда ҳал қилмагани боис бир-бирига қариндош ёки қадрдон дўстларнинг ҳам ораси бузилиб, бир умр юзкўришмас бўлиб кетиши ҳам учрайди. Шунинг учун ҳам пул ёки бошқа бир мулкни қарзга бериб турганда, ким бўлишидан қатъи назар, дарҳол қонуний тарафларини ҳисобга олиш ва иложи бўлса, нотариал идора тасдиғидан ўтказиб қўйиш лозим. Шунда ҳар хил кўнгилхираликларнинг олди олинади.

Дарҳақиқат, Фуқаролик Кодексининг 732-моддасида қарз бериш, унинг шарт ва мажбуриятлари кўрсатиб берилган. Шу моддага мувофиқ, бир киши бошқа бир кишидан қарз олганда албатта қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчи) пул ёки бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб ўша маблағ ёки ашёни қайтариб бериш мажбуриятини олади деб белгилаб қўйилган. Агар фуқаролар ўртасида қарз шартномаси тузилганда, бу қарз миқдори энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилиши шарт. Демак, қарз берганда ёки олган пайтда кимлигидан қатъи назар оғзаки ваъда ёки қасам ичганига ишонib қўймасдан унинг гувоҳлар иштирокида қанча муддатга берилиши ёзма шаклда қайд қилиб қўйилса, иккала томонда ҳам дилхираликка ўрин қолмайди.

Муқаддас китобларда ҳам қарз масаласига жуда катта эътибор берилган. Чунки қарз муомаласида бир кишининг ҳақи бошқа бир кишига муайян муддатга қадар фойдаланиб туриш учун бериб қўйилади. Қуръони Каримда мўмин кишилар учун икки тараф бир котиб иштирокида қарз бериш шартларини тўла-тўкис қайд қилиб қўйиш буюрилган. Мабодо икки тараф бир-бирига қайсидир даражада ишончсиз қарайдиган бўлса, бунинг учун икки эркак ёки икки эркак киши бўлмаса, бир эркак ва икки аёл гувоҳлигида хоҳ кичик қарз бўлсин, хоҳ катта қарз бўлсин, ёзма шаклда қайд қилиб қўйиш маъқул экани тавсия қилинган. Шундан ҳам кўринадики, қарз бериш ҳам жуда нозик ва қалтис амаллардан бўлиб, қарздор ваъдасини ўз вақтида бажармаслиги туфайли қарз берган кишининг ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўриши мумкин. Икки тараф ҳам қонунчиликда белгиланган қонун-қоидаларга амал қилганда, турли жанжал-низолар юз бермайди.

Ривоятларга кўра, бир киши бошқа бир кишидан қарз олишига тўғри келибди. Гувоҳликка бирон одамни топишмабди. Хуллас, иккови ҳам Оллоҳни гувоҳ келтирибди. Қарз берган киши қарз олувчига муайян бир вақтни белгилабди. Шунда қарз олган киши кемага ўтириб, дарёнинг у соҳилига ишларини битириш учун жўнаб кетибди. У ишини битириб, дарё соҳилига келса, у ёққа ўтадиган кемани топмабди. У ёққа юрибди, бу ёққа юрибди, хуллас, қарз пулини вақтида етказишнинг иложи бўлмабди. Шунда ваъдамни бузмай деган мақсадда таваккал қилиб қарз пулини ва хатини бир ходанинг ковагига жойлаб, дарёга оқизиб юборибди. У соҳилда ваъда қилинган куни қарз берган киши кутиб олишга чиқибди ва соҳил бўйида ётган ходага кўзи тушибди ва бир нарсага яраб қолар деб уни уйига олиб кетибди. Уйда ёғоч коваги борлигини билиб қолиб очиб қараган экан, ундан пул ва хат чиқибди.

Бунга кимдир ишониши, кимдир уйдирма деб қараши мумкин. Бу ривоятдан кимки қарз олса, ваъдасини вақтида бажариши учун ҳар доим имкон мавжуд экани уқтирилган. Фақат қарздорнинг нияти холис бўлса, бас. Ота-боболаримиз қарз олиб уни бермасдан юриш ёки пайсалга солиб еб кетиш тугул бировнинг ҳақига жиндай хиёнат қилишни ҳам мутлақо ўйлашмаган. Чунки улар қарз бошқа бир кишининг ҳақи бўлиб, у ҳеч қачон бировга буюрмаслигини, бундан фақат ўзига бирон мусибат етишини яхши тушунганлар. Диний таълимотга кўра қарзни эгаси кечмагунча худо асло кечмаслиги баён қилинган. Қарз ҳатто у дунёда ҳам сўралиб, эгасига қайтмагунча қарз олган кишидан кечилмайди деган нақл ҳам мавжуд. Бунга бир мисол: қазо қилган кишига жаноза ўқилганда имом шу майй-итнинг яқин кишисини чақириб унинг қарзлари бор-йўқлигини суриштиради ва кимки мендан қарз олган эди деган даъво билан келса, унга қарзни тўлашни зиммасига олишни айтади. Шундан кейин жанозада ҳозир бўлганларга қарата кимки марҳумга қарз берган бўлса, олинган қарзни мана бу кишидан олиб кетасиз, дея эълон қилади.

Бир сўз билан айтганда, қарз бериш ва олишга оддий муомала тарзида қарамаслик лозим. Қарз бергандан кейин муайян муддат белгиланмаган бўлса, қарз берган кишининг қарзни исталган пайтда қисташга ҳақи бор. Дейлик, қарзга бирон буюм ёки улов (от, эшак ёки машина) берилган бўлса, шу буюм ёки уловни олиб турган кишидан қачон ўзига зарур бўлиб қолса қайтариб олишга ҳақли саналади.

Ҳозирги пайтда эса муҳтожликдан кўра кўпроқ тижорат мақсадида қарз олиш ёки бериш ҳоллари кўп учрайди. Тижоратчи мол олиб келганимдан кейин фалон вақтда қайтараман, деб сўз беради-да, катта миқдорда қарз кўтаради. Лекин у тижоратнинг фойда томонини кўриб, зиён тарафига унчалик аҳамият бермайди. Савдо дегани эса доимо мўмай даромаддан иборат эмас. Тижоратчи баъзан фойда кўрса, баъзан зиён ҳам кўриши мумкин. Шундан кейин у ўз-ўзидан ваъдасини бажаролмайди. Қарз берган киши эса додини кимга айтишни билмайди ва кимга арз қилишни билмасдан боши қотади. Орада ошна-оғайнигарчилик бир четга сурилиб, ҳатто икки тараф ҳам бир-бирига душманга айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам қарз бериб, олганда кўпроқ унинг қонуний шарт ва мажбуриятларини инобатга олган ҳолда шартнома қилинса ва ҳужжатлаштирилса, икки тарафнинг ҳам юзи ёруғ бўлиб, бир-биридан хафа бўлишга ўрин қолмайди.

Бобомурод ЭРАЛИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Mitti maslahat

Рукн учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОРЁҒДИЕВ

ТУҒИЛИШНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

Оила Кодексининг 206-моддасига кўра, боланинг туғилиши унинг туғилганлиги ҳақидаги тиббий маълумотнома, ота-онанинг оилавий ҳолати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида қайд этилади.

Боланинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, бола туғилган ёки ота-онасидан бирининг доимий яшаш жойидаги ФҲДЁ идорасида амалга оширилади.

Бола туғилганлигини расмийлаштириш учун унинг ота-онаси ёки улардан бири, алоҳида ҳолларда эса — қариндошлар, қўшни, тиббиёт муассасалари маъмурияти, ички ишлар ёки васийлик ва ҳомийлик идораси ходимлари мурожаат қилиши мумкин.

Албатта, келгусида боланинг насаби, исми ва отасининг исми ёзилиши бўйича низолар чиқмаслиги учун туғилишни расмийлаштириш жараёнида ота-онадан бирининг иштироки таъминлангани маъқул.

Мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида бола туғилганлиги ҳақидаги тиббий маълумотномани қалбакилаштириш ҳолатлари учраб турибди. Яъни тиббий муассасалар масъул ходимлари билан айрим фуқароларнинг жиноятқорона тил бириктириши натижасида туғмаган ёки туғишга касаллиги сабабли рухсат қилинмаган аёлларнинг туққанлиги ҳақида сохта маълумотномалар тақдим қилинмоқда. Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун ФҲДЁ идоралари ва ўз-ўзини бошқариш идоралари масъул ходимлари доимо ҳушёр бўлиши, шубҳали маълумотномалар тақдим қилинганда тегишли тартибда текшириш ўтказиши лозим.

Тиббий маълумотнинг қонуний бўлиши учун унда қуйидагилар ўз аксини топиши лозим:

1. Онанинг фамилияси, исми, ота исми, яшаш жойи;
2. Боланинг туғилган вақти ва санаси, жинси;
3. Берилган вақти тўғрисидаги маълумот;
4. Маълумотнома тиббий муассаса мансабдор шахси томонидан имзоланиши ва гербли муҳри билан тасдиқланиши керак.

Туғруқхоналардан ташқари жойларда ва тиббий ёрдамсиз туғилган боланинг туғилганлигини қайд этиш унинг шу онадан туғилганлигига гувоҳлик берувчилар имзолаган ва участка шифокори ёки фельдшерининг имзоси билан тасдиқланган далолатнома асосида амалга оширилади.

Ҳозирда тиббий муассасалар томонидан бола туғилганлиги ҳақидаги маълумотномаларни сифатли қоғозларда ва тушунарли қилиб ёзишга аҳамиятни кучайтириш лозим. Чунки бундай маълумотномаларнинг ФҲДЁ идораларида сақланиш муддати 75 йил қилиб белгиланганлиги шуни тақозо этади.

Jaholat

МАРҲУМЛАР АЛДАМАЙДИ

СУД ОЧЕРКИ

Ҳаёт деб аталган издиҳомда баъзан шунақа ғалати воқеалар содир бўладики, бундай чоғда ҳатто Шекспир сингари даҳо драматургларнинг ҳам ақлу шуури шошиб қолиши ҳеч гап эмас. Албатта, бундай воқеалар чинакам мўъжиза бўлса, киши ҳайрат бармоғини тишламай иложи йўқ. Аммо ҳаётда баъзан нохолис ниятли кимсаларнинг кирдикори шундай тус олса, одам нима дейишни ҳам билмай қолар экан. Куйида ана шундай бир воқеа хусусида сўз юритамиз.

ЁЛҒОН...

Тақдир экан, Қумқўрғон туманнинг Мирзаев номидаги жамоа хўжалигида яшайдиган Зулайҳо момонинг ўғли Раҳматулла юрак хуружидан вафот этди.

Фарзандидан жудо бўлган она айрилиқ азобида куйди. Бироқ начора — осмон узоқ, ер қаттиқ, ўлим эса ҳақ. Унинг азобларига кўникмаслик, тақдирга тан бермасликнинг иложи йўқ. Қариндош-уруғ тўпланиб, бевақт вафот этган Раҳматуллани 2002 йил 14 январ куни расм-русумни жойига қўйиб, Жалойир қабристонига дафн этишди.

Шу тариқа онаизор ўғлининг дардига кўникиб-кўникмай яшай бошлади. Аммо Раҳматулланинг вафотидан сўнг орадан 16 кун ўтгач, қичик ўғли Қаюм ва келини Зарифа момога шундай деб қолишди:

— Она, Раҳматулла акам қайта тирилди...

Ўлиб, қабрга қўйилган одамнинг орадан шунча вақт ўтгач, қайта тирилиб келишига соғлом одам асло ишонмайди. Лекин боласининг доғида куйиб юрган она рўпарасидаги ним қоронғи тутзор ичида оппоқ либосда турган кимсани кўриб, ақлу ҳушини йўқотди. Натижада фарзандининг қайта тириліб келганига ишонди ва уни бағрига босмоқчи бўлиб талпинган эди, ўғли билан келини бирдан унинг йўлини тўсишди.

— Унга қўл теккизиш мумкин эмас. 41 кун чилла сақлаши, ҳеч кимга юз очмаслиги керак. Агар чилла қоидаси бузилса, руҳлар — «боболар» акамизни яна қабрга олиб кетади... — дейишди баб-бараварига эр-хотин.

Кейин улар тирилган мурдани алоҳида қоронғи уйга жойлаштиришди. Қувончидан терисига сиғмаган шўрлик Зулайҳо момо келини Зарифага кийимлик атлас берди, ўғли Абдуқаюмга эса чопон ёпди. Вафот этган Раҳматулланинг қайта тирилиб уйига келгани ҳақидаги овозалар вилоятнинг бошқа туманларига ҳам яшиндек тарқалди. Бунга биров ишонди, биров ишонмади.

Топишнинг қадрини йўқотганлар билади, деган гап бор. Марҳум Раҳматулланинг оиласида рўй берган алғов-далғовни ҳам тасаввур этиш қийин. Фарзандидан айрилган она, эридан айрилган аёл ва отасидан айрилган фарзандларнинг ўкинчу изтиробларининг ўрнини қайта топишиш қувончи эгаллади. Қайта тирилиб "чилла сақлаётган" марҳумнинг ёнида эса иниси Абдуқаюм ва унинг хотини Зарифалар ҳушёр туриб қўриқчилик қилишарди. Она барибир онада! У сабри чидамай ўғлининг дийдорини кўришга талпинаверди. Ниҳоят, Абдуқаюм ва Зарифа Зулайҳо момога тирилиб келган ўғли Раҳматуллининг юзини кўрсатишга кўндилар. Улар қоронғи хонада тирилиб келган марҳумнинг юзидан матони олишди. Ичкарида нима қўйди, нима бўлди — ҳеч ким билмайди. Аммо кўзлари қариликка ва ғамдан хира тортган Зулайҳо момо хонадан бу ниқобли кимса ўзининг қазо қилган ўғли эканига ишониб чиқди...

Қайта тирилган Раҳматулланинг атрофида бўлаётган барча воқеаларни Зарифа ва унинг эри Абдуқаюм бошқариб турарди. Ўликни тирилтириб, қабрдан яна уйига олиб келган эр ва хотиннинг ҳар бир айтган сўзини марҳумнинг қариндош-уруғлари сўзсиз бажаришарди. Қайта тирилган марҳумни кўриш учун эса узоқ-яқин ҳолу жонига қўйишмади. Лекин кўнглида шубҳа жойлашиб олган Хосият бу таклифни қатъий рад этди.

Ана шундай қувонч-у ташвишлар билан қирқ кунлик чилла муддати ҳам охирлаб қолди.

Марҳум Раҳматулланинг амакиси Муҳаммад Маматрайимов шундай дейди:

— Раҳматулла 14 январ куни дадам ёғилиб кела бошлади. Ҳовлида қўйлар сўйилди, назир-ниёзлар олинди...

Уйга келган зиёратчилар бу мўъжизага ишонмасликлари ҳам мумкин эди. Лекин рўпарларида ниқоб кийиб ўтирган марҳумни кўргач, шубҳачи кимсалар ҳам яратганнинг бу мўъжизаси олдида ёқа ушлаб, лол қолишарди.

Тўғри, Раҳматуллининг қайта тирилганига ишонмаган кишилар ҳам бор эди. Айниқса марҳумнинг хотини Хосият «Бунинг бўйи узун, у менинг эрим эмас» деб оёқ тираб олди. Лекин унинг ўғли марҳум ўтирган хонага кириб чиқиб, ростдан ҳам отам экан, дегач, унинг эътирозларига ўрин қолмади. Ахир, аза тўйга айланган бўлса, бундай эзгу ишни ким ҳам бузишга журъат қилади?

Шундан сўнг қайниси Абдуқаюм ва овсини Зарифа «Ўлим никоҳни синдиради. Тирилиб келган Раҳматулла акамга сизни қайта никоҳ қилайлик», деб Хосиятни қазо қилди. Уни Жалойир қабристонига дафн этдик. Орадан 20 кунча ўтгач, "Раҳматулла тирилиб келибди", деган гапни эшитгач, рости гап, ишониб-ишонмай уларнинг уйига йўл олдим. Аммо менга қирқ бир кунлик чилласи бор, 13 мартда тугайди, дейишди. Мен 13 март куни яна келдим. Абдуқаюм билан хотини Зарифа бетига оқ ниқоб тутган бир кишини олиб чиқишди. Юзини кўрмасам ҳам қайта тирилган жиянимнинг устига янги чопон ёпдим. Зарифа менга "Чилла бузилди. Энди 17 мартда чилласи чиқади",деб айтди. 17 мартгача уларнинг ёнида бўлдим. Тонг пайти соат 4^{00} ларда кўзим илинган экан. Чўчиб уйғониб, Раҳматулла қани, деб сўрадим. Зарифа "Чилла бузилди. Рухлар — «боболар» келиб, Раҳматуллани қабрга олиб кетди" деди. Гўё жияним Раҳматулла қайта ўлгандек, кўнглим бузилди.

Дарвоқе, марҳум Раҳматулланинг тирилганига бутунлай ишонган оила аъзолари учун қайта аза бошланди, қувонч ғамга, байрам азага айланди. Зулайҳо момо эса бир ўлиб, қайта тирилиб ва яна қабрга қайтган фарзанди Раҳматуллининг изидан бўзлаб қолаверди...

...ВА ҲАҚИҚАТ

Жиноий ишлар бўйича Қумқўрғон туман судининг 1-80 сонли жиноят иши юзасидан 2002 йил 20 май куни чиқарган ҳукмидан кўчирма: ***«Судланувчи Зарифа Каримова 2002 йил 14 январ куни юрак хуружидан вафот этиб, Н. Мирзаев номидаги жамоа хўжалигидаги Жалойир қабристонига дафн этилган Раҳматуллининг ўлимидан сўнг ўзининг уйида, жиноий шериги (эри) Абдуқаюм Маматрайимов ва Омон Абраев билан биргаликда "Омон Абраевга оқ матодан бўлган ниқобни юз қисмига кийдириб, онасининг уйига "марҳум Раҳматуллани тирилтириб келдик" дея олиб боramиз. Шундан хабар топган одамлар тирилган одамни зиёрат қилишга келишади, бойлик орттирамиз" қабилида режа тузиб, тушган пулларни ўзаро бўлиб олишга келишади. 2002 йил 30- январдан 31 январга ўтар кечаси Омон Абраевга илгаридан тайёрланган оқ матони ниқоб қилиб, Абдуқаюмнинг чопони ва телпагини беришиб "Сен тутзорнинг олдида бизларни кутиб турасан", дейишиб, бироздан сўнг Омон кутиб турган жойга ўзлари бориб, биргаликда учаласи Зулайҳо Маматрайимованинг (марҳумнинг онаси) уйига келишиб, "Раҳматуллани тирилтириб олиб келдик. Энди 41 кун чилла сақлаши керак», дея ниқобдаги Омонни кўрсатишади. «Унинг юзини ҳеч ким кўрмаслиги ва таҳоратсиз ҳеч ким олдига кирмаслигини айтишади ва ҳоказо..."***

Ҳукмдаги воқеаларни аниқ тасвирлаган бу жумлаларни ўқиганда кўнгилда чуқур таассуф ва инсонга нолойиқ бу пасткашликдан уялиш-у, ирганиш туйғусини ҳис қилмаслик мумкинми?

Инсоннинг нафақат ҳаёти, балки жонсиз танаси, қабри ҳам азиз ва муқаддас. Халқимизда марҳумлар ҳақида ёмон сўз айтишнинг ўзиёқ азалдан куфр ҳисобланади. Шундай экан, ўз яқинининг ўлими, қариндошларининг қайғусидан фойдаланиб, моддий манфаатдор бўлишга ҳаракат қилган кимсаларнинг пасткашлигини ўлчай оладиган бирор ўлчов ёки мезон бу оламда бормикин?!

Раҳматулланинг жигарбанди — иниси бўлган Абдуқаюмнинг хотини марҳумнинг арвоҳини чирқиллатишига, мудҳиш маънавий жиноятга қўл уришига нима сабаб бўлган? Улар арзимас мол-дунё учун нега бунчалик тубан кетишган?

Бу машъум жиноятнинг яна бир иштирокчиси Омон Абраев оилали ва бир неча фарзанднинг отаси. Унинг жиноятга шерик бўлиб, 40 кундан ортиқ марҳум Раҳматулланинг ролини ўйнагани ҳақида нима дейиш мумкин?! Ахир дунёда ғурур, инсоф, диёнат, виждон деган тушунчалар бор-ку! Наҳот Омон Абраев бу тушучалардан бебаҳра бўлса?!

Ҳукмдан кўчирма: ***"...Зарифа Каримова Жиноят Кодексининг 188-моддаси 2-қисми "б", "в" бандлари билан айбдор деб топилсин ва шу модда билан тўрт йилу олти ойга озодликдан маҳрум қилинсин. Унга нисбатан Жиноят Кодексининг 72-моддаси қўлланилиб, шартли ҳукм қилиниб, уч йил синов муддати белгилансин"...***

Суд шу тарзда Абдуқаюм Маматрайимовни тўрт йрим йил, Омон Абраевни тўрт йил озодликдан маҳрум қилиш ва жазони умумий тартиб ўрнатилган колонияларда ўташга ҳукм қилди.

Сўзимиз якунида мўъжизаларга ишониш ёки ишонмаслик ҳисси ҳақида икки луқма гапириб ўтишни лозим топдик.

Бу воқеаларнинг тафсилотлари билан батафсил танишган киши марҳум Раҳматулланинг қариндошларининг соддадиллигидан ҳайрон қолмай иложи йўқ. Ваҳоланки, уларнинг ҳар бири озгина синчковлик билан назар ташлаганда, бир зумда бу фирибгарларни фош қилган бўлар эди. Соддадиллик, самимият яхши хислатлар, албатта. Лекин бу хислатлар фирибгарларга алданиш даражасида бўлмаслиги керак-да!

Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири
Холиқ ХУРСАНДОВ,
журналист

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 8 апрелда Ўралов Абдулазим Исанович номига берилган 3945-сонли хизмат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Сирдарё вилояти адлия бошқармаси томонидан 1999 йилда Амантаев Нарзулло Абдураҳмоновичга берилган SI 000052 серияли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бошқарма бошлиғининг 2002 йил 2 майдаги буйруғи билан бекор қилинади.

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ
Пўлат САМАТОВ
Ҳуршид СОДИҚОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Холли НОРБОЙ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-3143. Тиражи — 10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.30

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Саҳифаловчи: Жаъфар ЖАББОРОВ
Компьютер операторлари: Мадина АБДУЛЛАЕВА, Дилноза ШОКИРОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумк